

O‘zbekiston Respublikasi

Oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligi

SAMARQAND DAVLAT CHET TILLAR INSTITUTI

XORIJIY FILOLOGIYA

til • adabiyot • ta’lim

ilmiy–uslubiy jurnal

Samarqand

2(71)/ 2019

**Ministry of Higher and Secondary Special
Education of the Republic of Uzbekistan**

SAMARKAND STATE INSTITUTE OF FOREIGN LANGUAGES

FOREIGN PHILOLOGY

Language • Literature • Education

Scientific-methodology journal

Samarkand

Хорижий филология: тил, адабиёт, таълим.
№2 (71), 2019.

Уч ойда бир марта чиқадиган илмий-услубий журнал

Муассис: Самарқанд давлат чет тиллар
институту

Таҳрир хайъати:

ТУХТАСИНОВ Илҳомжон (раис)
САФАРОВ Шаҳриёр (бош муҳаррир)
АШУРОВА Дилором
АШУРОВ Шаҳобиддин
ТУРНИЁЗОВ Нёмат
РИЗАЕВ Баҳодир
(муҳаррир ўринбосари)
ХОЛБЕКОВ Муҳаммаджон
НАСРУЛЛАЕВА Нафиса
ИСМОИЛОВ Салоҳиддин
КИСЕЛЁВ Дмитрий
ЯХШИЕВ Ашур (масъул котиб)

Жамоатчилик кенгаши:

БУШУЙ Татьяна
ГИЙОМ Оливье (Франция)
КИДА Цуйоши (Япония)
СИГМИЛЛЕР Стив (АҚШ)
УСМОНОВ Ўрол
ЖИАНГ Фенг (Хитой)
РАҲИМОВ Ғанишер
МИРЗАЕВ Ибодулло
КАРАСИК Владимир (Россия)

*Журнал Олий Аттестация комиссиясининг
филология фанлари бўйича эксперт кенгаши (2014
йил 10 мартдаги 2-сонли баённома) тавсияси билан
зарурий наشرлар рўйхатига киритилган.*

Таҳририят манзили:

Самарқанд ш., Бўстонсарой кўчаси, 93, СамДЧТИ.
Телефонлар: (998-662)233-78-43;
(998-662)231-13-42
Факс: (998-662) 210-00-18.
Email: ssifl_info@mail.ru

*Журнал Самарқанд вилоят матбуот ва
ахборот бошқармаси томонидан № 09-12 рақам
билан рўйхатга олинган.*

ISSN: 2181-743X; Индекс 1266.

Журнал 2001 йилдан чиқа бошлаган.

© Самарқанд давлат чет тиллар институти,
2019 йил.

Foreign Philology: Language, Literature, Education.
№2 (71), 2019.

Scientific-methodical journal

Founder: Samarkand State Institute of Foreign
Languages

Editorial Board:

TUKHTASINOV Ilhomjon (chairman)
SAFAROV Shahriyor (editor-in-chief)
ASHUROVA Dilorom
ASHUROV Shahobiddin
TURNIYOZOV Nemat
RIZAYEV Bakhodir
(vice editor)
KHOLBEKOV Mukhammadjon
NASRULLAEVA Nafisa
ISMAILOV Salohiddin
KISELYOV Dmitriy
YAKHSHIEV Ashur (executive secretary)

Public Council:

BUSHUY Tatyana
GUILLAUME Olivier (France)
KIDA Tsuyoshi (Japan)
SEEGMILLER Steev (USA)
USMONOV Ural
JIANG Feng (China)
RAKHIMOV Ganisher
MIRZAEV Ibodullo
KARASIK Vladimir (Russia)

*The journal is included in the list of required
publications according to the recommendation of the
expert council in filological sciences of Higher Attestation
Committee (Proceeding #2 from March 10, 2014).*

Address:

Samarkand, Bustansaray str. 93, SamSIFL.
Phone: (998-662) 233-78-43;
(998-662)231-13-42
Fax: (998-662) 210-00-18
Email: ssifl_info@mail.ru

*The journal is registered under No 09-12 by
Samarkand Regional Department of press and
information.*

ISSN: 2181-743X; Index 1266.

The journal has been published since 2001.

© Samarkand State Institute of Foreign Languages,
2019.



МУНДАРИЖА

МАҚОЛАЛАР

Санақулов У. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асаида ижтимоий терминлар	5
Холбеков М., Арзикулов Д. Модернизм тушунчаси ва унинг талқини хусусида.....	9
Хайруллаев Х. Нутқ лингвистикасининг ўрганиш объекти хусусида	17
Turobov A. Qadimgi hind tilshunosligi xususida ayrim mulohazalar	21
Эшқобилов А. Замонавий баллада жанрининг адабий-тарихий генезиси ва назарий поэтиканинг баъзи масалалари	25
Каримова С. Ҳамза ижодида Фурқат анъаналари.....	30
Турниёзова Ш. Синоним сўзлар жумлалараро боғланишни таъминловчи восита сифатида.....	34
Ҳакимов Ҳ. Миллий кадриятларни англлатувчи қўшма сўзларни таржима қилиш усуллари	38

ИЛМИЙ АХБОРОТЛАР

Turniyozov B. Kauzativlikning semantik maqomi	43
Эркинов С. Сўз профессионализм сифатида	47
Маджидова Р. Лингвокультурологический аспект аксиологических фразеологизмов разнесистемных языков	51
Жалгасов Н. Семантика пословиц в свете антропоцентрической парадигмы.....	55
Li Di Di. Dissertatsiya ta'limi ta'lim jarayonining bir qismidir.	60
Баёнханова И. Паремияларнинг турли тизимдаги тилларда умумий хусусиятлари	64
Абдурашитова Н. Инглиз ва ўзбек тилларида ҳуқуқий мулоқотга оид ибораларнинг лингвистик хусусиятлари	67
Кенжаев А. Таржима матн идроки масалалари лингвопоэтик таҳлил аспектида	71
Karshiyeva T. Tillarga ixtisoslashmagan oliy ta'lim muassasalarida chet tili o'qitishning maqsadi	76
Назарова Ш. Ўзбек ва корейс тилида адвербализация ҳодисасининг қиёсий таҳлили.....	81
Болтақулова Г. Лингвопрагматические особенности языковых единиц в контексте употребления	90
Холматова В. Инглиз тили мулоқот дискурсида мурожаат шаклидаги лексик-синтактик тузилишли операторлар.....	96
Ahmedova O. Lingvokulturologiya tilning madaniy fenomeni sifatida.....	101
Рофиева Г. Метафоралар тадқиқиға замонавий ёндашув.....	105
Атабоев Н. Корпус ва компьютер лингвистикасининг фарқли жиҳатлари	109

ЁШЛАР МИНБАРИ

Сафарова М. Понятие Гендера в немецком политическом дискурсе	113
Абророва Н. Понятие «Вежливость» в речевом этикете	115
Абдураззоқова С. Бошланғич мактабларда ёзиш кўникмаларини ошириш.....	117
Fayzullayeva M. Informatsiya va kommunikatsiya texnologiyalarining ingliz tili darsidagi muammolari.	121
Temirova Sh. Ingliz tili frazeologiyasining lingvistik tahlili va havo yo'llaridagi muloqot.	126
Mamayoqubova Sh. Tilshunoslikda gap bo'laklari va sintaktik aloqalar masalalari	130



CONTENTS

REPORTS

Sanakulov U. Social terms in Yusuf Khos Khodjib's literary work "Kutadgu bilig".....	5
Xolbekov M., Arzikulov D. About the notion "modernism" and its interpretation.....	9
Hayrullaev H. About the features of investigating the object of speech linguistics.....	17
Turobov A. Some discussions on the linguistics of ancient India.	21
Eshkobilov A. Literary-historical genesis of the genre of modern ballad and some questions of theoretical poetics.	25
Karimova S. Furqat's traditions in Hamza's works.....	30
Turniyazova Sh. The synonyms as facility interphrase connection.	34
Khakimov H. Ways of translating compound words denoting national values.	38

SCIENTIFIC INFORMATIONS

Turniyazov B. Semantic status of causativeness.	43
Erkinov S. Word as professionalism.....	47
Madjidova R. Lingual-cultural analysis of axiological phraseologisms of different language systems.	51
Jalgasov N. The semantics of English and Uzbek adverbs in the light of anthropocentric paradigm.....	55
Li Di Di. Application strategies of emotional education in university English teaching.....	60
Bayonxanova I. About paremi the Uzbek, Russian and Korean languages and problem of equivalency.	64
Abdurashitova N. The linguistic peculiarities of English and Uzbek idioms of juridical discourse.....	67
Kenjayev A. The problems of perceiving translation texts in the aspect of lingual-poetic analysis.....	71
Karshiyeva T. The purpose of teaching foreign languages in non-linguistic educational institutions.....	76
Nazarova Sh. Comparative analysis of adverbialization in Uzbek and Korean languages.	81
Boltakulova G. The lingual-pragmatic peculiarities of language units in context.	90
Kholmatova V. Lexical-syntactical structured operators in the form of appealing in the English communication discourse.....	96
Ahmedova O. Lingual culture as cultural phenomenon of a language.....	101
Rofiyeva G. Modern approaches in studying metaphors.	105
Ataboyev N. Differentiating features of corpus and computer linguistics.....	109

YOUTH TRIBUNE

Safarova M. The notion of gender in German political discourse.....	113
Abrorova N. The concept of politeness in speech.	115
Abdurazzoqova S. Improving writing skills in elementary schools.....	117
Fayzullayeva M. The problems of using information communication technologies (ict) in English classroom	121
Temirova Sh. Linguistic analysis of English phraseology and air- ground communication	126
Mamayoqubova Sh. The expression of temporal syntax in a single nucleus	130



ЮСУФ ХОС ҲОЖИБНИНГ “ҚУТАДҒУ БИЛИГ” АСАРИДА
ИЖТИМОЙ ТЕРМИНЛАР

Санақулов Усмон,

СамДУ профессори, филология фанлари доктори

Калим сўзлар: давлат бошқаруви, давлатчилик тизими, давлат бош ҳукмдорлари, тўрү, тўра, хўжа, сиёсат, адолат, қонун-қоида, қапуғ, қурқа, төр, орду, жамоат, йавғу\яфғу, элиг, элчи баши (юртбоши), элчи, хон, султон, ябғу, бег, малик, подшоҳ, йўриқ.

Бугунги кунда лексик ва грамматик маънони лисоний ва прагматик омиллар яхлитлигида тадқиқ этиш тилшуносликнинг ривожланиб бораётган замонавий соҳаларининг тараққиётини таъминлаши омилларидан саналади. Бу масалани тадқиқ этиш ўзбек тилшунослигида лингвистик жиҳатдан махсус ўрганиш замон талаби саналади, ҳатто, жаҳон тилларида бу масаланинг тадқиқ этилиши қисман илгарилаб кетган бўлса-да, ҳозир ҳам долзарб масалалардан ҳисобланади. Бу йўналишдаги тадқиқотлар нафақат ўзбек тилшунослигида, балки туркологияда, ҳатто, жаҳон тилшунослигида ҳам ҳали яқунланган эмас. Хусусан, ўтмиш ёзма манбалар тил материалининг лексик маъно қатламини лисоний прагматик омиллар яхлитлигида таҳлил этиш ҳозирги долзарб масалалардан саналади.

Шу боис тил тарихидаги қилиниши лозим бўлган муҳим илмий ишлардан бири ўтмиш ёзма ёдгорликларининг лексикасини мукамал тадқиқ этишдир. Зеро, бу масала тўлиқ амалга ошмас экан, ўзбек тилининг, аниқроғи, ўзбек адабий тилининг луғат систем-структурасининг шаклланиш қонуниятларини очиш ва ёритиш қийин. Тўғри, ўзбек тилшунослигида бир қатор ишларда баъзи бир ўтмиш ёзма ёдгорликларининг лексикаси у ёки бу жиҳатдан тадқиқ этилган. Лекин улар ҳали етарли эмас. Чунки, тилнинг луғат системаси турли аспектларни қамраб олади. Ҳар бир асар лексикаси илмий жиҳатдан мукамал синчиклаб ўрганилса, ундаги сўзлар турли соҳаларга оид терминлар ҳам эканлигига

амин бўламиз. Жумладан, ўтмиш асарларида қўлланилган ижтимоий лексикага хос терминлар шу соҳалардан биридир. Ҳар бир ижтимоий термин ижтимоий ҳодиса маҳсулидир. Уларнинг анчагина қисми давлат ва давлатчилик билан боғлиқ. Давлат ва давлатчиликнинг ўзи ҳам ижтимоий ҳодисалар маҳсулидир. Ҳар қайси давлат мамлакат миқёсидаги ҳокимиятнинг махсус бошқарув аппарати таянади. Ўзбек давлатчилиги бошқаруви бир неча асрлик тарихга эга бўлиб, у жамият тараққиёти жараёнида такомиллашиб борган. Бу ҳолни ўтмиш ёзма манбаларини кузатганда ишонч ҳосил қиламиз. Масалан, бу соҳани ўрганишда XI аср адиби Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асари муҳим манбалардан бири ҳисобланади.

“Қутадғу билиг” Юсуф Хос Ҳожиб Баласоғуний томонидан 462 йил ҳижрийда ёзилган. Асар қорахонийларнинг феодал давлатини узоқ, сақлаб қолиш, уни мустаҳкамлаш мақсади учун хизмат қилган. Шунинг учун автор асарда ана шу мақсадга хизмат қилувчи бир канча сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва ахлоқий масалаларни камрашга интилган. Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг зўр илмий қудрати туфайли бу улкан асарни яратишга муваффақ бўлган. Чунончи, унда давлатни идора қилиш усуллари, давлат арбоблари, давлат қурилиши масалалари, жамият аъзолари орасидаги муносабатларни ва иқтисодни тиклаш, хўжаликни ривожлантириш каби қатор масалаларни ўша давр талаби асосида изоҳлаб берган. Асарда берилган маълумотлар Юсуф Хос Ҳожибни бизга ёлғиз ўз замонининг улуғ



шоиригина эмас, шу билан бирга унинг тарих, тиб, риёзиёт ва бошқа кўп фанлардан хабардор фозил инсонлигини кўрсатади¹.

“Қутадғу билиг”нинг лексик тизими ранг-баранг бўлиб, унда ижтимоий лексикага хос терминлар катта ўрин эгаллайди. Улар ўзига хос услубий-семантик хусусиятларга эга. Шулардан бири **давлат бошқаруви ва давлатчилик тизимига оид лексик маъноли бирликлардир.**

Асарда давлат бошқаруви ва давлатчилик тизимига оид қуйидагича лексик-семантик бирликлар ишлатилган. Улар ижтимоий терминлар бўлиб, ҳукмдорликка оид лексемаларнинг услубий семантик хусусиятларини қамраб олган. Олий давлат идорасини давлат ҳукмдори бошқарган. “Қутадғу билиг”да бош ҳукмдорларни ифодалаш учун бир қанча терминлар қўлланилган. Қуйида ушбу терминлардан баъзиларининг луғавий семантик хусусиятларини кузатиш мумкин:

1. تورو-Төрү- қонун. Бу терминнинг ДТС (Қадимги туркий тил луғати) да бир қанча маънолари қайд қилинган: “Төрү” - порядок, правила, закон, обичай, яъни тартиб, қоида, қонун, одат маънолари билан изоҳланган. Бошқа манбаларда ҳам бу термин шунга ўхшаш семантик маъноларда изоҳланган. Масалан, 1) тартиб, қоида, қонун; 2) урф-одат; 3. никоҳ маросими каби маъноларда қўлланилганини кузатиш мумкин. Чунончи, уйғур битикларида: “Эл башлағу төрүсин өтүнүр сызлар айыту - сиз мамлакат бошқаруви тартибини илтифот билан сўрайсиз” (Uig I 25); “Күч елдин кырсә төрү түңлүктүн чиқар”(МК.ІІІ том, 120 б.) - Агар куч эшиқдан кирса қонун мўридан чиқар. Урф-одат маъносида: “Бир йилжа элиг күн арыг динтарча вусанти олырсүк төрү бар” (Chuast Л 115); “Түр қызын Эртипу улуг төрүн уйлума алы бертим”-Урф-одат билан катта тўй қилиб ўғлимга Тюрғеш

ҳоконининг қизини олиб бердим (БК X b10).

Ушбу термин XIV-XV асрларга келиб **тўра, хўжа** маъноларида ҳам қўлланила бошлаган. Мумтоз адабиётимиз намояндаси Алишер Навоий ўз асарларида *тўра* термини *хонзода, подшоҳзода* тушунчаларини ифодалаш учун ҳам қўллаган. Лекин “Қутадғу билиг” асарида **төрү** терминини асосан **сиёсат, адолат қонун-қоида** маъносида ишлатилган: “Көни бөл көнилик үзе қыл төру” - одил бўл адолат узра **сиёсат** қил (766); “Төрүдә экигу меңе бир саны. Көни бөл көнилик үзе қыл төруодил бўл адолат узра сиёсат қил” (766). “Сийасат йуритса сү башлығ болур”(3786) - Сиёсат юритса лашкар итоаткор бўлади.

Юсуф Баласоғуний ўз асарида **төрү** терминини юқорида кўрсатиб ўтилганидек сиёсат, адолат, қонун-қоида маъноларида ишлатганидан ташқари **ҳукмдор** маъносида ҳам қўллайди:

*Төрү түз йурыты байуды будун,
Атын эдгү қылды ул эдгү өдун.*
(288 байт).

Яъни Ҳукмдор адолатли сиёсат юритди, халқ бойиди, уяхшилиқ даврон билан ўз номини абадийлаштирди.

“Қутадғу билиг”да **төрү** термини билан бирқаторда **қапуғ, сарайығ, курқа, төр, орду, жамоат, йавғу\яфғу** каби ижтимоий маъноли атамалар ҳам ишлатилган. Бу терминларнинг ҳар бири ўзига хос семантик хусусиятларга эгадир.

1. Қапуғ термини ДТСда *двер, ворота, приемная комната, яъниэшиқ, дарвоза, ҳукмроннинг қабулхонаси* маъноларида изоҳланган. Бу термин “Қутадғу билик”асарида ҳар учала маънода ҳам ишлатилган: “Қапугда қалын баш йумытты йурыр” (756) - Йўлбошчи қабулхона эшигида кўп иш юритувчилар йиғилган.

2. Жамаъат - жамоат: “Толу тутса мазгад жамаъатларыг”(816).

¹. Муталлибов С. Морфология ва лексика тарихидан қисқача очерк.-Т.: Фан, 1969, 6-бет.



3. **Сарайыг**- хукмрон турадиган кўшк: “Этиглиг сарайыгни бузувчи өлум”(226).

4. **Қурқа**-мартаба: Бу қурқа тапунса тэгиб эр бирер-Киши бу мартабаларга эришиб хизмат қилса (6126).

5. **Төр** термини ДТСда почетное место, яъни *юқори ўрин, тўр* маносида изоҳланган: Бу термин “Кутадғу билиг”да ҳам шу маънода келган: “*Эр эдгү болуб өтрү төрке барур*” (3326)- Киши яхши бўлса тўрга чиқади (юқорига кўтарилади).

6. **Орду** термини ДТС да *ставкарезиденция хана, дворец*, яъни *хукмрон қасри, хукмрон ўрдаси* маъносида изоҳланади. Бу термин “Кутадғу билиг”да ҳамшу маънода келган: “Тэр эшитгил үч орду ханы” (8186) – Уч хумрон хони нима дейди эшитгин.

7. **Йавғу\ яфғу** термини амалдор маъносида қўлланилган: “Нэку тэр эшитгил бөгэ йавғус” (812).

8. **Мулқат** термини пошалик маъносини ифодалаган (886). Умуман, “Кутадғу билиг” асарида бу каби ижтимоий маъноли сўзлар кўп учрайди.

“Кутадғу билиг”да **төрү** термини билан бир қаторда давлат бошқарувчиси, хукмрон, ҳоқон маъноларида, умуман, **давлат бош хукмдорлари номларини ифодаловчи қўпгина атамаларни** кузатиш мумкин.

1. **Төрү** термини ўз навбатида **ҳоқон** маъносида ҳам ишлатилган. Масалан, “*Төрү түз йурыты байуды будун*” (104 бет. 288 байт) – Ҳоқон адолатли сиёсат юритди, халқ бойиди. Шунингдек, хукмрон, ҳоқон маъносида **элиг, элчи баши (юртбоши), элчи, хон, султон, талу, одрум, ябғу, бег, малик, подшоҳ, йўриқ** каби терминлар ҳам ишлатилган. Масалан,

2. **Элиг** – хукмрон маъносида: “*Эй элиг (хукмрон) бака көр сэн өзкә көзүң*”(104 бет. 288 байт).

3. **Элчи\ эл бошлиғи**: “*Нэку тер эшитгил көр элчи бөгү*”(394б)

4. **Элчи башы**: “*Идиси (хўжаси) башын йэр эй элчи башы*”(614б).

5. **Будун** термини *фуқаро, жамоа, элат, аҳоли, элат, оддий халойиқ* маъноларини ифодалаган: “*Эди йақшы аймиш будун башчысы*”(606б.).

6. **Ҳақан** термини хон маъносини ифодалаган: Бу термин “Кутадғу билиг”да ҳам учрайди: “*Китабка битинди буҳақан ати*”(78б).

Таъкидлаш лозимки, шарқ халқлари орасида **хон** термини хукмронларнинг **унвони** бўлиб, энг қадимий формаси “хақан” шаклида Хитойда Шелун биринчи бўлиб, шен-ю унвоини қўллаган², кейинроқ унинг издошлари бу сўзни “хакан” (kho khan), яъни император маъносида ишлатишган. Кейинчалик барча Ўрта Осиё хукмдорлари **ҳоқон** терминини **унвон** сифатида қабул қилишган. Бу термин V-VI асрларга хос битикларда ҳам учрайди. Мусулмон тарихчилари, шоирлари **ҳоқон** терминини татар хукмдорларига нисбатан қўллашган. 744 йилда эса уйғурлар томонидан Текюй империяси барпо қилингандан сўнг уларнинг хукмдорлари ўзларини келиб чиқишлари турк бўлган хитой хукмдорлари сифатида ҳоқон ном билан аташган, яъни ўзларини “tengri khakan”, “небесных хаканов” мазмунидаги ҳоқон деб қўллашган. Шундан кейин **ҳоқон** термини **унвон, титулни** ифодалаш учун уйғурлар, мўғуллар, хитойлар, манжурлар салтанатида ишлатила бошланган. Мўғуллар тангаларида каап (ҳоқон маъносида)сўзи учрайди. Бу термин фақат XI асрга келиб **хон** шаклида, жаноб маъносида ҳам ишлатилган. Тобатлар даврида ҳам бу термин учрайди. Шимолий Муғулистонда III асрда хукмронлик қилган Линхан тобатларнинг 67-хукмдори сифатида ўзини **хон** деб атаган. Шундай қилиб **хон** термини **ҳоқон** атамаси билан бир хил даражада

². Исабек Б. “Шанюй унвони ҳақида” (Турк шажараси).-Т.: “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 1993. 16 апрель.



қўлланилган (Қаранг: Ф.А.Брокгауз, И.А.Ефрон. Энциклопедический словарь). Кейинчалик қатор шарқ мамлакатларида ўрта асрга хос **хокими мутлақнинг унвони** ва шу унвонни ёки лавозимни олган шахс **мутлақ хумрон, яъни хон** ҳисобланган.

7. Хан термини “Кутадғу билиг” да ҳам қўлланилган: “Нэку тэр эшитгил үч орду ханы” (8186).

8. Малик, подшоҳ терминлари давлат бошлиғини ифодалаган: “Маликлар қоружима асбаб түрә” (556) – Подшоҳларнинг кўрғони ҳамда барча керакли нарсалари; “Адлжа Кунтуғди элиг ат бериб, падшаҳ ўрнига тутмыш” (486) – Адлга Кунтуғди номини бериб, подшоҳ лавозимига қўйибди.

9. Бэглик термини ДТСда *бекство, бекское правление*, яъни *беклик, беклик ҳукумати* маъносида изоҳланган. Юсуф Хос Ҳожиб асарида **бэглик** термини

ҳокимият, ҳукмдорлик маъносида қўлланилган. “Бу бэглик улы көр көнилик турур” (804-байт, 176 б). – Бэглик (ҳокимият)нинг пойдевори кўргин тўғрилиқ эрур; **Бэглик** шакли эса ҳукмдорлар маъносида қўлланилган: “Билиг бирле беглар этэр эл иши” (1046\ 297байт).

10. Ёорық термини йўлбошчи, байроқдор маъноларида қўлланилган: “Ёорықын көдэссе алам башлар эр” (3846) – Байроқдор (йўлбошчи) ўз режаларини сир тутса (36)(3846).

Хуллас, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Кутадғу билиг” асарида кўплаб ижтимоий-сиёсий лексикага хос терминлар қўлланилган бўлиб, ушбу мақолада фақат ҳукмдорликка ва давлат бош ҳукмдорларига хос баъзи терминларгина мисол тариқасида келтирилди. Ҳозирги пайтда бу мавзу маҳсус тадқиқотни талаб этмоқда.

Адабиётлар:

1. Древнетюркский словарь.-Л.: “Наука”, 1969 (-676).
2. Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности (Уйгурский письмо). М.-Л.: “Наука”, 1951 (-451).
3. Махмуд Кошғарий. Девону луготит турк, 3-том.-Т.: “Фан”, 1963 (-499).
4. Муталлибов С. Морфология ва лексика тарихидан қисқача очерк.-Т.: Фан, 1969 (-239).
5. Боровков. А. К. Лексика среднеазиатского тefsира XII-XIII вв.-М.:Изд.во Восточная лит-ра, 1963(-367).
6. Исабек Б. “Шанюй унвони ҳақида”(Турк шажараси).-Т.: “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 1993. 16 апрель.
7. Насилов В.М. Древне-уйгурский язык. –М.: Вост. лит., 1963.
8. Юсуф Хос Ҳожиб. Кутадғу билиг (Саодатга йўлловчи билим). Транскрипция ва ҳозирги ўзбек тилига тавсиф. –Тошкент: Бадиий адабиёт, 1971(-964).

Sanakulov U. Social terms in Yusuf Khos Khodjib’s literary work “Kutadgu bilig”. This article focuses on investigation of the terminology of socio-political lexics used in the literary work of the XI century by Yusuf Hos Hojib. It is one of the most important issues in our linguistics. For this purpose, the specific structure, system, and semantic meaning of terms of social-political lexics belonging to state and statehood, dominance and state rulers are briefly described in this aspect.

Санакулов У. Социальные термины в произведении Юсуфа Хос Ходжиба «Кутадгу билиг». Статья посвящена изучению терминологии общественно-политической лексики, использованной Юсуфом Хос Ходжибом в его литературном произведении XI века, что является одним из наиболее важных вопросов в отечественной лингвистике. С этой целью кратко описаны специфическая структура, система и семантическое значение некоторых терминов общественно-политической лексики, характерных для государства и государственности, господства и государственных правителей в этой области.



МОДЕРНИЗМ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ТАЛКИНИ ХУСУСИДА

*Холбеков Мухаммаджон,
филология фанлар доктори, СамДЧТИ профессори
Арзикулов Дилшод,
ЖизДПИ ўқитувчиси*

Калит сўзлар: модернизм, авангардизм, адабиёт, концепция, маданиятшунослик, маъно, тушунча.

Бадиий адабиёт ва тасвирий санъатда "Модернизм" ўзгарувчан, кўп маъноли, серқирра тушунча бўлиб, узоқ вақт адабиётшунослик илмида назарий баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда. Ушбу атаманинг чегаралари аниқ ўрнатилмасдан, турли маъноларда ишлатилаёпти, яъни тарихий-адабий жараённинг маълум бир босқичини белгилашда, муайян бадиий қарашларнинг мажмуаси, адабий йўналиш, ўзига хос хусусиятларга эга бадиий тафаккур, ижодий услуб, салбий баҳоловчи таъриф ва ҳоказо маъноларда қўлланилмоқда. Модернизмнинг хронологик чегаралари хусусида, унга кирувчи ранг-баранг йўналишлар, машхур ва машхур бўлмаган номлар, юксак бадиий савияда яратилган матнлар ҳақида қизғин баҳслар ҳамон давом этиб келаяпти. Айни пайтда, декаданс, символизм, авангардизм, постмодернизм каби тушунчалар билан ўзаро муносабат (изчидлшс, айнан ўхшашлик, бир-биридан фарқлаш, чегараларни белгилаш, **бир** вақтнинг ўзида ёнма-ён мавжуд бўлиш, бир маромда ҳаракатланиш ва ҳоказо)ларининг кўринишига алоҳида таъриф берувчи фикрлар билдирилмоқда.

Танқидчилик соҳасида модернизм "қолипи, унинг фалсафий ва эстетик манбаси хусусида турли-туман, баъзида бир-бирига мутлақо зид фикр-мулоҳазалар ҳам айтилаяпти. Хуллас, адабиётда модернизмнинг "юксак", "классик", "ҳалқаро", "парчаланиб кетувчи" каби таъриф тавсифлардан фойдаланиш одатий ҳол бўлиб қолди. Анчайин тадқиқотчилар модернизмда икки бир-бирига таъсир этувчи ва бир вақтнинг ўзида қарама-қарши йўналтирилган асосий тенденция, яъни модернизм ва авангардизмни алоҳида

ажратиб кўрсатадилар. Масалан, профессор В.И.Тюпа авангардизм ўз "чўкки"сига футуризм ва неотрадиционализмда етди, деган фикрни билдиради.

"Модерн" тушунчасидан авангардизмга нисбатан синоним, қолаверса уни тўлдирувчи ёки унга қарама-қарши кўйилган тушунча сифатида кенг фойдаланиш ҳам одат тусига кирмоқда. Умуман олганда, модернизм тарафдори бўлган бирорта адиб ижодини ўрганаётган тадқиқотчи ушбу дефиниция (лот. *definitio* - бирор тушунчанинг қисқача таърифи)дан фойдаланмаслиги ҳам мумкин.

Биз, Жеймс Жойс ижодини ўрганиш тажрибамиздан келиб чиққан ҳолда айтадиган бўлсак, узоқ вақт мобайнида "модернизм" атамасини ишлатмасдан кузатиш олиб бордик. Ҳақиқатдан ҳам, атамалар хусусида фикр юритганда, "модернизм" ва "модернисток" тушунчаларни эътиборга олмаслик ҳам мумкин, энг муҳими, бундай қарашда тарихий ва адабий жиҳатдан талқинга зарар етказилмайди. Масалан, модернизм адабиёти классиги ҳисобланмиш Жеймс Жойс модернизм тўла эътироф (1920-1925 й.) қилинган пайтда чоп этилган "Улисс" (*Ulysses*, 1922) романида, ёки ундан анча олдин ўқувчи қўлига теккан "Дублинликлар" (*Dubliners*, 1914) ҳикоялар тўпламида, қолаверса ўзининг бошқа асарларида ҳам "модернизм" сўзини ишлатмаган. Бошқа модернист ёзувчилар ҳам шундай йўл тутишган, деб бемалол айтиш мумкин.

Мазкур атамадан кенг фойдаланиш модернизм прозаси шакллангандан кейин оммавий тус олди. У ҳақда илк бор Р.Грейвз ва Л.Райдингларнинг "Модернизм шеърляти



шарҳи" (*A Survey of Modernist Poetry*, 1927)да сўз юритилган эди. Ўтган асрнинг 20-нчи йилларида "модернизм" тушунчасига эътибор қаратишнинг асосий сабаби, унинг семантик маъноси кўп ҳолларда у ҳақдаги тасаввурларга мутлақо зид келарди.

Бугунги кунда етарлича тушунарли бўлган таъриф ва аниқ концепцияни ишлаб чиқиш зарурати, биринчи навбатда, йирик тарихий-адабий йўналишларни тадқиқ этувчи мутахассислар, тегишли дарслик ва кўлланмалар яратганлар, модернгома бағишланган назарий мақолалар муаллифлари ва XX аср адабиёти тарихидан маъруза ўқиётган олий ўқув юртлари лекторлари олдида турган долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Айнан уларга, олдинга қўйилган мақсад кўламнинг кенглиги ёки жанр қонун-қоидаларини инобатга олган ҳолда, "Модернизм" нима?" деган саволга жавоб бериш тўғри келади. Умумлаштирувчи характерга эга тадқиқотлар, танқидий мақолалар, дарсликларда ушбу мураккаб ва чигал саволга нисбатан тўғри ва аниқ, энг муҳими тушунарли жавоб берилаётми дейиш мумкин. Шу боисдан ҳам, модернизмни бир бутун яхлит ҳолда, ўзига хос хусусиятларга эга бадий ҳодиса сифатида, колаверса, модернизмни умумий маънода таърифини, қисқа ва аниқ ифодасини топиш учун, энг аввало, қомусий луғат ва дарсликларга мурожаат қилиш мақсадга мувофиқ бўларди. Таъкидлаш жоизки, модернгома ва модерн адабиётини тўлиқ тавсифловчи дарслик, ўқув кўлланма ва антологиялар ўзбек адабиётшунослигида яратилмаганлиги аудиторияда бирмунча қийинчилик туғдирмоқда.

Шу ўринда, профессор Д.Қуроноф таҳриридаги *"Адабиётшунослик лугати"* (2010) да: "Модернизм (франц. *moderne* - энг янги, замонавий) - XIX аср охири - XX аср бошларида оммалашган термин, санъат ва адабиётда декандансдан кейин майдонга чиққан нореалистик оқимларнинг умумий номи сифатида тушунилади", деган бирмунча аниқ таърифи берилган. Шунингдек, модернизмга нисбатан муаллифнинг субъектив фикрлари ҳам

келтирилади. Бу таърифнинг нечоғлик ҳақиқатга яқинлиги, масаланинг туб моҳияти ва ечими европа тилларидаги бошқа қомуслар билан қиёслаганда янада ёққолроқ кўринади.

Ғарб адабиётининг билимдони, таниқли назариётчи олим ва педагог, профессор Л.Г.Андреев таҳрири остида чиққан *"Зарубежная литература XX века"* (1996) дарслигида "модернистик" атамасининг кенг маънодаги таърифини ўқиймиз. Олим, дастлаб атаманинг этимологиясига жиддий эътибор қаратади: "Нихоятда ноаниқ, муҳам бўлган "модернистик" (яъни "замонавий") атамаси XX аср санъатининг ҳар хил, баъзида бир-бирдан кескин фарқ қилувчи ҳодисаларига таъсир кўрсатади".

Шунингдек, проф. В.М.Толмачев таҳриридаги *"Зарубежная литература XX века"* (2003) дарслигида мазкур тушунчанинг бир неча варианты учрайди: "модернизм XX аср адабиётининг умумий тавсифи сифатида бир неча ўлчовларда мавжуд"; "модернгома — бу модернистик уюшмалар, амалиётлар, мурожаатномалар, дастурлар, номланишлар..."; "модернизм - параллел равишда мавжуд бўлган матнларнинг кўп овозлилиги"; ёки "модернгома - XX аср санъатининг маданиятшунослик руҳидаги умумий тавсифи" ва ҳоказо.

Проф. Н.П.Михальская *"Модернизм в зарубежной литературе"* (1998) дарслигида: "Модернизм атамасидан XX аср санъатида янги ҳодисаларни белгилаш учун фойдаланилади: шу тариқа - турларнинг бири сифатида адабиётда ҳам кўлланилади. "Модерн" (франц. *moderne*) сўзи "замонавий" маънони англатади", деб таъкидлайди.

Адабиётшунос А.Н.Николюкин таҳриридаги *"Литературная энциклопедия терминов и понятий"* (2001) китобида таниқли рус адабиётшунос А.М.Зверев учта, яъни "йўналиш (направление)", "тизим (система)" ва "усул (метод)" маъноларини устумонлик билан бирлаштираркан. "Модернизмнинг эстетик интилиш ва асосий ғояларини таърифлаб берувчи дастуриламал хужжат йўқлигига қарамасдан, Ғарб ва Россия бадий маданиятида ушбу йўналишнинг ривож топиш унга хос бўлган хусусиятлар



барқарорлигини намоён қилди ва муайян бадиий тизим хусусида бемалол сўз юритиш учун имкон берди (бир қатор тадқиқотларда *бадиий метод* дегувчи атама маъқулроқ деб топилмоқца), дея хулоса қилади.

"Словарь культуры XX века. Ключевые понятия и текстел" (1997) луғатида В.П.Руднев муайян даврга оид таърифни келтиради: "Модернизм - адабиётнинг XIX аср охири — XX аср ўрталари, яъни импрессионизмдан то "янги роман" ва "абсурд театри"гача бўлган маданий даврни қамраб олади".

Бу борада турли-туман ва ранг-баранг таърифу тавсифларни янада давом эттириш мумкин, бунинг устига юқоридаги фикр-мулоҳазаларнинг бирортаси ҳам жиддий эъфозларни юзага келтирмайди. Ўз-ўзидан кўришиб турибдики, модернизмнинг бир маънолй таърифни келтириш, тадрижий ривожининг хронологик чегараларини ўрнатиш, модернгом қолипида ижод қилган ёзувчи ва шоирларнинг шак-шубҳага ўрин қолдирмайдиган рўйхатини тузиш, модернгом руҳида яратилган матнларни келтириш, модернистик атама ва тушунчалар комусий луғатини яратишдек масъулиятли вазифани ўз зиммасига оладиган бирор мутахассис топилмаса керак. Борди-ю бундай таъриф топилса ва эълон қилинса, ушшг муаллифи шу заҳотиёқ адабиётшуносларнинг танқид ёмғири остида қолиб кетиши муқаррар. Шу боис, бизда беихтиёр равишда "модернгом"ни афсона, хаёлот, сунъий қурилма, қуруқ сафсатадан иборат назариялар қаторига кўпшб кўйиш иштиёки пайдо бўлади.

Шундай бўлса-да, XX аср жаҳон адабиёти тарихини ўрганшп ва ўқитиш хусусида гап кетганда, тан олиш керакки, "модернизм шундай бир категорияки, уни метлаб ўтиш, эътиборга олмаслик, у ҳақда гап очмасликнинг иложи йўк". Бироқ, шуни ҳам тан олиш керакки, модернгомни мустақил адабий йўналиш сифатида алоҳида ажратиш, бадиий тгоим ёхуд бадиий метод тарзида асослаб бериш, боринг-ки унинг хронологик чегараларини аниқлашга бўлган саъй-ҳаракатлар кўпинча масалани янада чигаллаштириб юбормоқца. Модернизмга бағишланган илмий тадқиқотлар таҳлили

шуни кўрсатадики, амалий аҳамияти йўк назария ёки шахсан ишлаб чиқилган илмий концепцияга асосланган ҳолда у ёки бу хронологик чегара (1880-1939 йй; 1900-1940 йй; 1917-1945 йй; XIX аср охири - XX аср боши, 1930-инчи йиллар ва ҳоказо) ларни ўрнатган, у ёки бу ижодкор номи ёки адабий ҳодисалар билан кифояланган тадқиқотчиларнинг аксарияти, афсуски, миллий-маданий анъаналар доирасидан чиқиб кета олишмади.

Масалан, "*Краткий справочник по модернизму*" (2003) деб номланган маълумотнома тузувчилари, китоб муқаддимасидаги хронологик жадвалда модернизм даврини 1880 йилдан санаб, 1939 йил билан охирига етказди. Жадвалнинг тарихий устунида келтирилган 1880 йил воқеалари, адабий устунга киритилган матн (Ж.Мередит, Т.Гарди, Ф.Достоевский) ларнинг муҳим аҳамият касб этишига қарамасдан, нима сабабдан ҳисоб айнан шу йилдан бошланиши масаласига аниқлик киритилмайди. Тўплам муҳаррири, инглиз тадқиқотчиси Д.Брэдшо (*David Bradshaw*) муқаддимада 1880 йилдан то 1939 йилгача бўлган босқич ҳақида фикр юритаркан, ушбу саналар юзасидан "тахминан", "кўпол қилиб" (*roughly*) дегувчи гоохларни кўпшб кўяди.

Модернизм таърифи, унинг хронологик чегаралари, таъсир доираси, ўзига хос хусусиятлари ҳақида гап кетганда "тахминийлик" тамойили тадқиқотчиларнинг кўпчилигига энг мақбул кўринади. Аниқ белгиланган даврни қамраб олшп масала кўламига боғлиққир, яъни модернизмга бевосита тааллуқли воқеа ва ҳодисаларнинг доираси қанчалик кенг бўлса, шунчалик хронологик чегаралар ҳам кенгаяди.

Таъкидлаш лозимки, юқорида номи зикр этилган маълумотнома муаллифлари ишлаб чиққан "модернгом қолипи" илм-фан, техник тараққиёт, фалсафа, маданият каби ижтимоий-маданий ҳодисаларнинг чуқур таҳлили натижасида вужудга келади, негаки айнан улар модернизм адабиёти ривожланишининг ёрқин манзарасини намоён қилишга қодирдирлар. Бу борада Ч.Дарвин ва А.Эйнштейн таълимоти, Ф.Ницше ва



А.Бергсон фалсафаси, З.Фрейд ва К.Г.Юнг психоанализи, В. фон Гумбольдт ва Ф. де Соссюр лингвистик концепциялари, колаверса, замонавий технологияларнинг жадал суръатларда ривожланиши муҳим ахамиятга эга. Шубҳасиз, шу каби ҳодисаларнинг хилма-хиллиги ва турлитуманлиги мантиқий равишда вақтга оид чегаралар кенгайишига олиб келади.

"1920 йиллар инглиз адабиёти" (1999) номли монография муаллифи Дэвид Эйрз (David Ayers), аксинча, "XX асрнинг 20-нчи йилларида Буюк Британияда вужудга келган биринчи жаҳон урушидан кейинги турғунлик ҳолати, жамиятдаги мурасасиз зиддиятлар каби ижтимоий-сиёсий ҳодисаларга таянган ҳолда, 1920 йиллар, яъни "байналмилал ёки юксак модернизм даври" билан чегараланмоқда" деб ёзади. Нафсиламр, шу каби фикр-мулоҳазалар вақтга доир чегараларни, матн ва матн муаллифлари доирасини белгилаб беради, бинобарин, "модернгом" тушунчасининг асл маъносига ҳам таъсир кўрсатади," дея фикрини давом эттиради олим.

Демак, бадиий реалликнинг у ёки бу босқичига мурожаат қилиш кўп жиҳатдан "модернизм" тушунчаси қайси маънода ишлатилишига аниқлик киритади. Адабиётга тааллуқлиги бўлмаган айланма йўллар, шунингдек миллий, хронологик, концептуал, жанр ва тилга оид турли чекловлар тадқиқотчига мустаҳкам асос топишга, колаверса модернизм ва унга тегишли атамалар тўғри маънода ишлатилишга ишонч ҳосил қилишга ёрдам берипш аниқ. Кейинчалик, аниқлаб олинган бадиий реаллик доирасида ёзувчи ёки шоир ижодини, ёки у яратган матнни, атамалар кўламини алоҳида ажратиш мумкин.

Кузатувларимиз шуни кўрсатдики, инглиззабон адабиётларга бевосита мурожаат қилиш "модернизм" атамасидан фойдаланишнинг айнан тўғрилигини таъминлайди. "Модернизм" тушунчасининг инглиз тилидаги варианты, биринчидан аниқ, иккинчидан - икки маъноликка йўл кўймайди. Бунга мисол қилиб, жумладан, юқорида номи зикр этилган XX аср ғарб адабиёти бўйича яратилган дарсликларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Уларда

тегишли боблар номланишида "модернизм" ва "модернистик" атамалар тўғридан-тўғри ва изоҳсиз фақат инглиз адабиётига нисбатан ишлатилади. Масалан: Л.Г.Андреев таҳриридаги дарсликда Н.А.Соловьёвнинг "Модернизм в Великобритании", В.М.Толмачёв таҳриридаги дарсликда Д.А.Ивановнинг "Модернистский роман в Великобритании" боблари бунга мисол бўла олади. Ушбу дарсликлардаги бобларнинг номланишидан кўриниб турибдики, "модернгом" ва "модернистик" атамалари бир маънода қўлланилган.

Бироқ, тан олиш керакки, инглиззабон адабиётда ҳам "модернгом" мустақил тушунча сифатида аниқлик киритиш ва асослаб беришни талаб этади. Дэвид Эйрз монографиясининг кириш қисмидаёқ модернизм масаласини кўтариб чиқади: "Модернгом шундай бир категорияки, уни четлаб ўтиш, уни зътиборга олмаслик, у ҳақда гап очмасликнинг иложи йўқ... Бу категория зарурий, колаверса мажбурий (*indispensable*) дир. XX асрнинг 20-30-нчи йилларида яратилган кўпгина бадиий асарларни модернгом руҳида яратилган деб фақат шартли равишда (*conditionally*) айтиш мумкин. Ўша даврларда сермахсул ижод қилган ёзувчи ва шоирларни модернизм руҳи билан суғорилган эстетикасю тасаввур қилиб бўлмади".

Муаллиф фикрини давом эттириб, ҳақли савол беради: "Инглиз адиби Э.М.Форстер (*Edward Morgan Forster*, 1879-1970) нинг "Ҳиндистонга йўл" (*A Passage to India*, 1924) романини модернизм руҳида яратилган асар деб кўриб чиқиш мумкинми? Ёки инглиз романависи Д.Г.Лоуренс (*David Herbert Lawrence*, 1885—1930) нинг шубҳасиз модернгом руҳида яратилган "Патли илон" (*The Plumed Serpent*, 1926) романини, Жеймс Жойс ёки Марсель Прустнинг "тан олинган" (*acknowledged*) модернизми билан қайси мезон асосида қиёсласа бўлади? Ёки машхурлик бобида улардан ҳеч қолишмайдиган Олдос Хаксли (*Aldous Huxley*, 1894—1963) ёки Сильвия Таунсенд Уорнер (*Sylvia Townsend Warner*, 1893-1978) ларнинг ижодини модернизм моделига қандай қилиб мослаштириш мумкин?



Модернизм парадигмаси "оммавий адабиёт" хусусида бизга нималарни берипш мумкин? Буларни жавобсиз саволлар деб бўлмайди, аммо бу саволларга жавоблар модернизмнинг белги ва хусусиятларига оддий эътибор қаратишдан кўра жиддий уринишга чорлайди, астойдил меҳнат қилиши тақозо этади".

Ҳақиқатдан ҳам, "модернизм" тушунчасидан тўғри фойдаланиш бир мунча ноаниқлик ва хатолардан сақлаб қолади. Қолаверса муайян маданий ҳодиса, бизнингча - модернизм доирасида адабий оқим, бадиий услуб, адабий жараёнга алоқадор даврий нашрлар, шунингдек, ёзувчи ва улар яратаётган матнлар параллель равишда мавжуд бўлади, бир-биридан кўпаяди ва тараққий этади.

Умуман олганда, нафақат инглиззабон ёки русийзабон адабиётда, балки бошқа адабиётларда ҳам бирон бир конкрет ва тушунарли нарсага, шпончли манбаларга асосланиш қийинлиги сабабларидан бири - бу "Модернгом -бу..." дегувчи ижодий дастурлар йўқлигидир.

Шу тариқа ўзини *модернизм* тарафдори деб эълон қилиш, модернизм руҳида ижод қилиш, ўз мавқеини (ўрнини, йўлини) айнан модернизм йўналишида белгилаб олиш ҳеч бир адибда тўлалигича намоён бўлмади. Масалан, "Блумсбери гуруҳи" каби модернистик уюшма аъзолари (В.Вулф ва бошқалар) ўзининг муайян бадиий - *эстетик қарашлари* ва ижодий услублари мавжудлигига қарамасдан, ўзларини ҳеч қачон "модернизм тарафдорлари" деб эълон қилишмаган. Фақат вақт ўтиши билан биз символизм, футуризм, имажизм, экспрессионизм, сюрреалгом каби амалда параллель равишда ривожланган ва сермахсул ижод олиб борган оқим ва гуруҳларни модернистик деб аташимиз мумкин. Қизиғи шундаки, мазкур мактаб ва гуруҳлар аъзолари мартабасида ўша-ўша ижодкорларни кўрсатишимизга тўғри келади. Мисол тариқасида асли америкалик, бироқ умрининг аксар қисмини Европада яшаб ўтган шоир, инглиззабон модернизм адабиёти асосчиларидан бири, ношир ва муҳаррир Томас Стернз Элиот, Жеймс Жойс, Дэвид Герберт Лоуренс, Эрнест Хемингуэй

асарларини чуқур таҳдил қилган, танқидий мақолалари билан мунтазам равишда матбуотда чиққан, Нью-Йоркдаги "Литтл Ревью" журнали саҳифаларида Элиотнинг "Ж.Алфред Пруфрок муҳаббати кўшиғи" (*The Love Song of J. Alfred Prufrock*, 1915) поэмасини, Жеймс Жойснинг "Мусаввирнинг ёшлиқдаги портрети" (*A Portrait Of The Artist As A Young Man*, 1914) ва "Улисс" (*Ulysses*, 1921) романларини нашр этган, 1921 йилда Элиотнинг "Ҳосилсиз замин" (*Waste Land*) поэмасини таҳрирдан ўтказган, қолаверса, Жеймс Жойс ва ёш Эрнест Хемингуэй тақдирида муҳим роль ўйнаган Эзра Паунд (*Ezra Pound*, 1885-1972) ни кўрсатишимиз мумкин.

В.Л.Руднев таъбири билан айтганда, ижодий дастурлар йўқлигини модернистлар ва модернистик оқимларнинг жамоат олдида суут ҳаракати ва етарли бўлмаган оммавий чиқишлари билан изоҳлаш мумкин: "... модернизм тарафдори учун дамдузлик, жамиятга аралашмасдан яшаш тарзи хосдир, агар модернистлар гуруҳларга бирлашганда ҳам, ўзларини ниҳоятда тинч, ҳатто академикларча хотиржам ва такаббуруна тугган бўлардилар".

Бир қарашда, одатда номини модернизм билан боғлайдиган шоир ва ёзувчиларни аниқлаш осон туюлади. Аммо тантанали равишда эълон қилинган дастур, ўз-ўзини намоён қилиш, овоза тарқатиш, қолаверса "модернизм" тушунчаси чегараларининг аниқ ўрнатилмаганлиги, хронологик чегаралар ўзгарувчанлиги, муайян илмий концепция жиҳатидан ҳар хил тарихий ва адабий ёндашувлар, турлича шаклланган миллий анъаналар ва ҳоказо модернист ижодкорлар исмлари рўйхатини тузишда кескин тафовутлар юзага келишига сабаб бўлади. Масалан, М. Дрэбл (M. Drabble) ва Ж. Стрингер (J. Stringer) лар ҳаммуаллифликда яратган "Англия адабиёти. Оксфорд луғати" (*The Concise Oxford Companion to English Literature*, 1987) да куйидаги таъриф келтирилган: "Модернизм - XX аср биринчи ярми санъатида муҳим аҳамиятга эга қатор тенденцияларнинг умумий белгисидир; хусусан, инглиз адабиётида Т.С.Элиот, Эзра Паунд, Жеймс Жойс, Виржиния Вулф, Уильям Батлер



Иейтс, Жозеф Конрад исмлари ва ижодлари билан тажассумланади. Модернгом Зигмунд Фрейд таълимотининг адабиётга кўрсатган таъсирини ўзида акс эттиради".

Э.Сэндерзнинг (*Andrew Sanders*) "Инглиз адабиётининг қисқача Оксфорд тарихи" (*The Short Oxford History of English Literature*, 1996) китобида "Модернизм ва унинг муқобиллари: 1920-1945 йиллар адабиёти" номли бобда Л.Стрейчи, В.Вулф, К.Мэнсфилд ҳаёти ва ижодига бағишланган "Блумсбери гуруҳи"; Д.Ричардсон ва Д.Г.Лоуренс ҳаёти ва ижодини таҳлил этувчи "Ричардсон ва Лоуренс"; модернизм поэзияси юксалишида; Д.Г.Лоуренс, Т.С.Элиот, Э. Паунд, Р.Оддингтон ижоди аҳамиятини шарҳловчи, Т.С.Элиот, Р.Фербанк ва Э.Ситуэлл ҳаёти ва ижодини талқин этувчи "Элиот, Фербанк ва Ситуэлл" ва, ниҳоят, Ж.Жойс ҳаёти ва ижодини ёритувчи "Жойс" каби фасллари мавжуд. Китобда, шунингдек, Дж.Б.Пристли, 111.0'Кейси драматургияси, И.Во, П.Г.Вудхауз, О.Хаксли прозаси, Р.Грейвз ва Д.Джоунз шеърляти, модернизмга қарама-қарши ўзига хос миллий адабиётдек бўрттириб таъриф қилинган. Шу тариха, олдинги Оксфорд адабиёт луғати билан таққослаганда модернист ёзувчи ва шоирлар доираси анча кенгайтирилган.

Инглиз тадқиқотчиси Д.Эйрз ўзининг "Модернизм. Қисқача кириш" (*Modernism. A Short Introduction*, 2004) номли монографиясида Э.Паунд, Т.С.Элиот, Ж.Жойс, Д.Г.Лоуренс, В.Вулф каби муаллифларнинг ижодини атрофлича ўрганиб чиқади ва уларнинг модернистик асарлари мисолида Т.Адорно ва Ж.Деррида ғоялари асосида модернизмни назарий жиҳатдан асослаб беришга ҳаракат қилади. Ижодкор исмлари ва улар яратган асарлар номлари такрорланиб туришига қарамасдан, бундай тугилган йўл ўзини тўлиқ оқлайди, сабаби усиз тадқиқотни олиб борувчи адабиётшунослар олдида баъзи қийинчиликлар туғдириши мумкин.

Яна бир инглиз олими Х.Блум (*Harold Bloom*) ўзининг "Ғарб қонуни" (*The Western Canon: The Books and School of the Ages*, 1994) номли китобида амалда модернизм тушунчасидан фойдаланмасдан,

модернизм намояндаларини аниқлашга имкон берувчи аниқликка интилади, шубҳага ўрин қолдирмайдиган далилларни келтиради. "Тарихий айланиш назарияси" муаллифи, италиялик файласуф Ж.Вико (1668-1744) ишлаб чиққан уч, яъни "аристократия", "демократия" ва "хаос" даврлари, уларнинг Ж.Жойс қаламига мансуб "Финнеган жанозаси" романидаги талқинига амал қилиб, Х.Блум XX аср адабиётига "хаос даври" (*The [Chaotic Age]*) таърифини берибгина қолмасдан, балки З.Фрейд, М.Пруст, Ж.Жойс ва Ф.Кафкани XX аср адабиётининг энг ёрқин намояндалари, "давр адабий руҳининг улуғвор сиймолари", шунга ҳамоҳанг тарзда Прустнинг "Йўқотилган вақтни ахтариб" (*À la recherche du temps perdu*, 1927), Жойснинг "Улисс"и ва Кафканинг новеллаларини XX аср адабиётининг энг машҳур асарлари, деб атайтиди.

Хэральд Блум ўз фикрини давом эттириб, китобнинг "Беккет, Жойс, Пруст, Шекспир" номли фаслида Сэмюэль Беккет (*Samuel Beckett*, 1906-1989) нинг "Ўйин охири" (*Fin de partie*, 1957) драмасини "хаос давр"ига яқун ясовчи бадиий матн, деб изоҳларкан ёзади: "Хаосга ботган замонамизнинг Брехт, Пиранделло, Ионеско, Гарсия Лорка, Шоу сингари йирик драматурглари орасида Беккетга тенг келадиганини топиш қийин. Чунки уларда "Ўйин охири" йўқ эди; худди шундай кучли таъсир қилувчи, ақлни шошириб қўювчи драмани топиш учун Ибсенга қайтишимизга тўғри келади".

Шундай қилиб, Х.Блум фикрича, "хаос давр"ини модернизм билан чамбарчас боғланган адиблар ижоди ифодалайди. Х.Блумга ҳамфикр бўлиб, модернизм адабиётининг уч яловбардор адиблари (Жойс, Элиот ва Беккет) ни ва уч адабий тур (роман, поэма ва драма) ни ифодаловчи - "Улисс", "Ҳосилсиз замин" ва "Ўйин охири" асарларини чиндан ҳам XX аср жаҳон адабиётининг энг машҳур намуналари, деб эътироф этиш мумкин.

Кўриниб турибдики, манбаларнинг аксариятида Ж.Жойс, Т.С.Элиот, В.Вулф, Э.Паунд исмлари тилга олинган ва шу тариха Англия ва АҚШ адабиётида



модернизм билан "классик модернизм" ва "юксак модернизм" тушунчаларини боғлаш нафақат назарий жиҳатдан асослаб берилган, балки амалиётга ҳам татбиқ этилган. Бу ерда, ушбу номлар модернизмга қўйилаётган талабларга қанчалик жавоб бериши, модернизмга қанчалик яқинлиги хусусида фикр туғилиши табиий. Бирок, модернизм адабиётининг ёрқин намояндалари қай даражада намуна, андоза сифатида талабга жавоб беради? Бадиий ижодни юзаки, чуқурлашмасдан кўриб чиққанимизда ҳам, улар ҳар хил, баъзида бир-биридан кескин фарқ қилувчи матнлар яратганлиги маълум бўлади ва матнларнинг барчасини "модернизм руҳида яратилган" деб бўлмайди. Бунга мисол тариқасида Ж.Жойснинг "Қувғиндилар" (*Exiles*, 1918) пьесасини, "Дублинликлар", "Мусаввирнинг ёшликдаги портрети" (*A Portrait Of The Artist As A Young Man*, 1914) романларини, Т.С.Элиотнинг "Қария Оппосум ёзган мушуклар ҳақида китоб" (*Old Possum's book of practical cats*, 1939) номли шеърлар тўпламини, "Ибодатхонадаги қотиллик" (*Murder in the cathedral*, 1935) шеърини трагедиясини, Виржиния Вулфнинг "Миссис Дэллоуэй" (*Mrs. Dalloway*, 1925), ва ҳоказо асарларини кўрсатишимиз мумкин.

Шу тариқа, конкрет матнларга мурожаат қилиш, улардан фойдаланиш, мисол қилиб кўрсатиш "модернист ёзувчи" тушунчасини шартли, изоҳталаб қилиб қўяди. Бошқа жиҳатдан эса, "Улисс", "Ҳосилсиз замин" (*The Waste land*, 1922), "Орландо" (*Orlando*, 1928), "Йўқотилган вақтни ахтариб", шубҳасиз, модернизм учун муқаддас асар ҳисобланади, уни модернизм адабиётининг ёрқин намуналари деб асослаш, қолаверса иқтибос ва кенг изоҳлар келтириш мумкин.

Хуллас, ёндашувларнинг, нуктаи назарларнинг кўплигига қарамадан, тан олиш керакки, "модернизм" тушунчаси ўзининг аниқ ифодаланмаганлиги ва шартлилиги билан муайян чегара ва мезонларга эга. Турли ёндашув, манба, концепцияларни қиёсий - типологик аснода тадқиқ қилиш, қолаверса тадқиқотчининг шахсий позицияси модернизмнинг туб моҳиятини, муайян эстетик тамойилларни аниқлашга, хронологик чегараларни белгилашга имкон беради.

Мақолада келтирилган мисоллар ва фикр-мулоҳазалар асосан Ғарбий Европа ва АҚШ адабиёти тарихига, аниқроқ қилиб айтганда, инглиз ва америка адабиётига тегишлидир. Боз устига, "модернизм" тушунчасига конкрет маънога эга ва татбиқ этилшпининг соҳаси аниқ бўлган илмий атамдек қараш керак эмас. Унга ўзига хос мифологема ёки синкретик, метафорик, кўп маъноли, қўлланилиш доираси кенг тушунчадек муносабатда бўлиш лозим. Янада аниқроқ қилиб айтганда, модернизм бадиий ҳодиса сифатида асло миф ёки хаёлий нарса эмас, гарчанд уни илмий-назарий, илмий-амалий жиҳатдан таҳдил ва тадқиқ қилиш анча қийин бўлса-да, кейинги пайтда модернизмга нисбатан қизиқишнинг ортиши табиий ҳолдир, чунки XX аср тугаши биланоқ айнан модернизм йигирманчи юз йилликнинг маданий қиёфасини ва бадиий адабиёт ривожланишининг йўлини белгилаб берганлиги аён бўлди. Тан олиш керак, модернизм ҳақида бизнинг тушунчаларимиз етарлича эмас, модернизм атамасидан фойдаланиш доираси ҳам тор. Шу боис, биринчи навбатда модернизм адабиётини чуқур ўрганиш, модернизм руҳида яратилган матнларни атрофлича тадқиқ қилиш лозим бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Хализев В.Е. Теория литератур: учеб. 2-е изд. - М.: Высшая школа., 2000.
2. Д.Қуроноф, З.Мамажонов, М.Шералиева. Адабиётшунослик луғати / Д.Қуроноф умумий таҳрири остида. — Тошкент: Akademnashr, 2010 йил. -400 б.
3. Зарубежная литература XX века: Учеб. / Л.Г.Андреев, А.В.Карельский, Н.С.Павлова и др.; под. ред. Л.Г.Андреева. - М.: Высшая школа, 1996.



4. Толмачев В.М. Где искать XX век // Зарубежная литература XX века: Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений / В.М.Толмачев, В.Д.Седельник, синкретизм - нарсанинг дастлабки, бир-биридан ажралмаган. қоришиқ ҳолати. Д.А.Иванов и др.; под ред. В.М. Толмачева. М: Издательский центр «Академия», 2003. С. 7-43.
5. Дубин СБ. Горизонтм европейского авангарда // Зарубежная литература XX века: Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений /
6. Дудова Л.В., Михальская И.П., Трыгков В.Л. Модернизм в зарубежной литературе: Учеб. пос. по курсу «История зарубежной литературы XX века». -М.: Флинт, Наука, 1998.
7. Литературная энциклопедия терминов и понятий / под ред. А.Н. Николюкина. - М.: ИНИОН РАН; ИГЖ "Интелвак", 2001.
8. Рудиев В.И. Словарь культурм XX века. Ключевые понятия и текстм. -М.АГРАФ, 1997.
9. Ayers D.S. English Literature of the 1920 s. Edinburgh University Press, 1999.
10. A Concise Companion to Modernism / ed. By D.Bradshaw. Blackwell Publishing, 2003.
11. The Concise Oxford Companion to English Literature / ed. by M.Drabble and J.Stringer. Oxford University Press, 1987.
12. Sanders A. The Short Oxford History of English Literature / Revised edition. Clarendon Press; Oxford, 1996.
13. Ayers D. Modernism. A Short Introduction. Blackwell Publishing, 2004.
14. Bloom H. The Western Canon. The Books and School of the Ages. New York: Riverhead Books, 1994.

Xolbekov M., Arzikulov D. About the notion "modernism" and its interpretation. The article investigates the essence of the notion "modernism" and its interpretation in literature. Theoretical content of the article is approved by examples.

Холбеков М., Арзикулов Д. О понятии "модернизм" и его интерпретации. Статья исследует сущность понятия "модернизм" и его интерпретацию в литературе. Теоретическое содержание статьи подтверждается примерами.



НУТҚ ЛИНГВИСТИКАСИНИНГ ЎРГАНИШ ОБЪЕКТИ ХУСУСИДА

Хайруллаев Хушид Зайниевич,

СамДЧТИ профессори, филология фанлари доктори

Калит сўзлар: нутқ бирлиги, нутқ сатҳи, нутқ лингвистикаси, иерархик муносабат, гап, жумла, мураккаб синтактик қурилма, матн, макро ва микро матн, абзац.

Гапнинг нутқ бирлиги эканлиги бугунги кунда синтактик қурилмалар таҳлиliga бошқача ёндашишни тақозо этади. Нутқ лингвистикаси эса тилшуносликнинг алоҳида соҳаси сифатида эндигина оёққа турмоқда [Савченко А.Н.: 1986. 62-73]. Шу боис унинг том маънодаги таҳлил усуллари ҳам ҳали ишлаб чиқилгани йўқ. Одатдаги синтактик таҳлил усули, албатта, фаннинг бугунги ютуқларига таяниб қаралганда нутқ материали учун яроқсиздир. Демак, ҳозирги тилшуносликда нутқ бирликлари таҳлили усуллари илмий асослаш кечиктириб бўлмайдиган ўта долзарб масалалардан биридир. Фикримиз далилини Ю.В.Ванниковнинг қуйидаги сўзларида кузатиш мумкин: «Понятие предложения как предмета лингвистического исследования может быть сформулировано лишь после решения вопроса о принципах лингвистической организации речевого материала, о соотношении различных аспектов его организации» [Ванников Ю.Н.: 1979. 12.].

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, нутқ бирликлари ва уларни белгилаш масаласи тилшунослигимизда тадқиқотлар кун тартибига ҳали ҳам том маънода қўйилгани йўқ, мавжуд баъзи ишларда эса масала тавсифи чегараси гапнинг синтактик таҳлилидан нари ўта олмаяпти. Тўғри, гап нутқ бирлиги сифатида алоҳида сатҳни ташкил этади. Бироқ нутқнинг гапдан катта бирликлари ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири нутқнинг лингвистик табиати нуқтаи назаридан изоҳланмоғи лозим деб ўйлаймиз.

Равшанки, тил бирликларининг иерархик муносабати қонунияти тилнинг нутқда реал қўлланишини таъминловчи

асосий омилларни белгилаб беради. Бу соҳада, масалан, фонемалар морфема билан, морфемалар сўз билан, сўзнинг гап билан иерархик муносабат ташкил этиши бобида бирор бир ғализлик ёки изоҳталаб масала кўзга ташланмайди. Лекин бунда фақат тил бирликларининг иерархик муносабатини кўрамиз. Иерархик муносабатнинг нутқда содир бўлувчи кейинги босқичи ҳақида эса тилшунослик адабиётларида, айрим тадқиқотлардан ташқари, ҳозиргача ҳеч қандай материал берилмади дейиш мумкин. А.Н.Савченконинг таъбири билан айтганда, сатҳ (уровен) ҳақидаги мавжуд назариялар фақат тилга асосланади [Савченко А.Н.: 1986.71.].

Мавжуд назарияларда тил сатҳи деганда фонематик, морфематик, сўз ҳамда гап сатҳлари эътиборга олинади. Бироқ бу ўринда гапнинг тил сатҳи саналиши ва бунда қўшма ҳамда мураккаб гапларнинг ҳам шу сатҳ таркибида бўлиши бугунги кунда айрим эътирозлар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Бирчидан, гап тилнинг эмас, балки нутқнинг минимал бирлиги сатҳини ташкил этади. Иккинчидан эса, «қўшма гап» ёки «мураккаб гап» терминлари ўзлари атаётган синтактик қурилмалар лингвистик табиати билан мос келмаяпти. Шу боис ўз даврида А.М.Пешковский қўшма гап тушунчаси бир неча гапни бир гап деб атагани учун турли қийинчиликларга сабаб бўлаётганини тўғри таъкидлаган эди [Пешковский А.М.: 1956. 455-470.]. Бунга Б.Турниёзовнинг қуйидаги фикри орқали изоҳ бериш мумкин: «Дарҳақиқат, ҳар бир тил бирлигининг реал қўлланиши ўзидан катта бирлик оғушида амалга ошади. Демак, гапнинг фаоллашуви ҳам гап сатҳида эмас, балки матн таркибида рўй



беради. Ана шу нуқтаи назардан «қўшма гап» терминининг нечоғлик тўғри ёки нотўғри эканлигини ўйлаб кўришга тўғри келади» [Турниёзов Б.: 7].

Кўринадики, тил ва нутқ бирликларини фарқламаслик нафақат сатҳ тушунчаси талқини учун, балки иерархик муносабат қонуниятлари тавсифи учун ҳам ўта ноқулайлик туғдирмоқда. Аммо шундай бўлишига қарамай, таниқли тилшуносларнинг ҳам мазкур масалага жиддий эътибор бермаганликлари афсусланарлидир. Фикримиз далилини В.М.Солнцевнинг қуйидаги мулоҳазаларида кўришимиз мумкин: «Предложения могут входить в сложные предложения или быть частями сложного синтаксического целого, или фразы» [Солнцев В.М.: 146.].

В.М.Солнцевнинг мазкур фикрида гап гапнинг ичида фаоллик олиши мумкинлиги таъкидланмоқда, зотан, қўшма гап деганимизда ҳам биз гапни тушунамиз. Агар шундай хулосага келадиган бўлсак, нутқ бирликларининг реал қўлланиши учун муҳим бўлган иерархик муносабат қонуниятига амал қилмаган бўламиз. Бу ўринда, албатта, иерархик муносабат қонуниятини «қўшма гап» термини доирасида бузилмоқда.

В.М.Солнцевнинг келтирилган фикрида эслатиб ўтилган «сложное синтаксическое целое» термини қўлланилганда эса иерархик муносабат қонуниятини бузилмайди, чунки мураккаб синтактик бутунлик гапдан катта бирликни тақозо этади.

Қўшма гап тушунчаси ва унинг лингвистик мақомга эга эмаслиги масаласи Б.Турниёзовнинг номзодлик диссертациясининг мавзусини ташкил этди. Мазкур ишда муаллиф «қўшма гап» терминидан фойдаланишни маъқулламайди ва бу ҳақда қуйидагиларни ёзади: «Қўшма гап» термини фанимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида кўпчиликни қониқтирмапти. Чунки «қўшма гап» тушунчаси тил бирликларининг иерархик (поғонали) муносабати принципларининг бузилишига олиб келмоқда. М.В.Ляпон таъбири билан

айтганда: «Агар қўшма гап (мураккаб жумла) икки ёки ундан ортиқ (коммуникатив салмоқли) тугал фикр англатаётган хабарлар бирикувини тақозо этар экан, унинг сатҳида матн ифодасининг жиддий белгилари кузатилади» [Турниёзов Б.Н.: 12.].

Ана шундан келиб чиқиб, Б.Турниёзов «қўшма гап» термини ўрнига микроматн мақомига эга бўлган «мураккаб синтактик қурилма» терминини таклиф этади ва бу билан қўшилиш мумкин.

Мураккаб синтактик қурилма нутқда шаклланади ва икки ёки ундан ортиқ гапларни ўз ичига олади. Бу, албатта, унинг гапдан катта нутқ сатҳи эканлигидан далолат беради. Бундай қурилмалар умумий лингвистик мақомига кўра муштарак бўлсалар ҳам, семантик жиҳатларидан бир-биридан фарқланади: тенг компонентли мураккаб синтактик қурилмалар, тобе компонентли мураккаб синтактик қурилмалар. Бироқ, қандай номланишидан қатъи назар, уларнинг ҳар бирида микроматн салмоғи кўзга ташланади. Албатта, бу ўринда микроматн тушунчасини нисбий деб билмоқ керак. Чунки матннинг бир сўз билан, сўз бирикмаси ҳамда мустақил гап билан ифодаланадиган турлари ҳам борки, улар ҳам энг кичик матнлар саналади.

Нутқнинг мураккаб синтактик қурилмалардан катта сатҳи абзацдир. Абзац ҳам нутқда шаклланади ва шу боис уни биз нутқ бирлиги тарзида талқин этмоқдамиз. Айни пайтда шуни ҳам айтиш лозимки, мураккаб синтактик қурилма ҳам, абзац ҳам ўз структур хусусиятига кўра нутқнинг минимал бирлиги – гапдан фарқ қилади. Равшанки, гап структурасини тил бирликлари, хусусан, сўзлар мажмуаси ташкил этади. Мураккаб синтактик қурилма ҳамда абзац структураларини эса нутқ бирликлари шакллантиради. Бошқача айтганда, уларнинг қурилиш материали сифатида, асосан, нутқ бирлиги - гап фаоллик кўрсатади. Тўғри, абзацнинг шаклланишида айрим нутқ муҳитида мураккаб синтактик қурилмалар қатнашиши ҳам кузатилади. Лекин бу, биринчидан, доимий эмас, иккинчидан,



мураккаб синтактик қурилманинг ҳам қурилиш материали гапдир.

Абзац ўз лингвистик мақомига кўра мураккаб синтактик қурилмадан бир поғона юқори туради. Бироқ шуниси характерлики, мураккаб синтактик қурилма камида икки гапнинг ўзаро боғланишидан ташкил топади. Абзац эса бир гапдан иборат бўлиши ҳам мумкин. Бу жиҳатларига кўра мазкур нутқ бирликлари сўз бирикмаси ва гап ўртасида мавжуд бўлган структур тафовутни такрорлайди.

Абзац неча компонентли бўлишидан катъи назар, ҳар доим ҳам фикр ифодасининг тугаллигини кўрсатавермайди. Баъзан тугал фикр ифодаси икки абзац материалида берилиши ҳам мумкин. Бу унинг доимий бир хил бўлган модели йўқлигини кўрсатади. Ана шуни эътиборга олиб, О.И.Москальская уни тил бирлиги деб атаб бўлмайди, деган хулосага келади. Бундан ташқари, олима абзац ҳажми бир гапдан тортиб, бир неча саҳифагача етишини ҳам эслатиб ўтади [Москальская О.И.: 31-32.].

О.И.Москальская абзацнинг нутқ бирлиги эканлиги масаласига ишора қилган бўлса ҳам, буни рўйирост айтмайди. А.Г. Фридман эса уни нутқ бирлиги тарзида тавсифлайди [Фридман А.Г.: 30-52.]. Бизнингча, мазкур мулоҳаза билан кўшилиш қийин. Чунки абзац кўп жиҳатдан сўзловчининг нутқий услуги билан боғлиқ бўлади. Шундай бўлгач, унга тил бирлиги мақомини бериб бўлмайди. Бундан ташқари, абзацни грамматик-семантик воқелик деб аташ ҳам муаммо тавсифининг фақат маълум жиҳатларинигина ўз ичига олади. Е.А.Реферовская эса абзацни стилистик-семантик бирлик деб таърифлайди [Реферовская Е.А.: 91.]. Бу ўринда,

Адабиётлар:

1. Ванников Ю.Н. Синтаксис речи и синтаксические особенности русской речи. – М.: Русский язык, 1979, 295 с.
2. Левковская Н.А. В чем различие между сверхфразовым единством и абзацем // Филол.науки, – М., 1990, – №7.-С.75.
3. Москальская О.И. Грамматика текста.– М., 1981.
4. Пешковский А.М. Русский синтаксис в научном освещении. – М.: Учпедгиз, 1938, 448 с.

албатта, унинг синтактик табиати эътибордан четда қолади. Шунинг учун абзацни биз синтактик бирлик деб аташ мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Абзац ўз лингвистик табиатига кўра мураккаб синтактик қурилмадан ажралиб туради. Буни Н.А.Левковская қуйидагиларда кўриш мумкинлигини таъкидлайди: « а) абзац матннинг муаллиф (сўзловчининг) прагматик нуктаи назаридан субъектив бўлинишидир; б) мураккаб синтактик қурилма эса матннинг прагматик омиллари қуршовидаги бўлинишни тақозо этади» [Левковская Н.А.: 75.].

Ана шулардан келиб чиқиб, абзацни нутқнинг алоҳида сатҳини ташкил этувчи бирлик сифатида тушунамиз. Бунинг учун қуйидагиларга асосланиш мумкин: Абзац нутқ жараёнида шаклланади. Сўзловчининг нутқий услуги маҳсули саналади. Нутқнинг гап, мураккаб синтактик қурилма ва жумла (турли хил синтактик қурилмалар, иловали ва парцеллятив структуралар, эллиптик қурилмалар ва ҳ.к.) каби бирликлари воситасида воқеланади.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, абзацдан катта бирлик – бобни макрообъект тарзида белгилаш ҳам мумкин. Бошқача айтганда, абзацнинг иерархик муносабатга киришуви масаласи ўзидан катта бирлик боб сатҳида талқин этилади. Қурилиш материали боб саналувчи нутқ бутунлиги эса супермакромаатни тақозо этади. Мазкур нутқ материалининг, шу жумладан, бобнинг ҳам лингвистик табиатини ўрганиш нутқ лингвистикасининг кейинги тараккиёт даврларида махсус монографик тадқиқотларнинг текширув объекти бўлиши мумкин.



5. Реферовская Е.А. Лингвистические исследования структуры текста. –Л.: Наука, 1983, 214 с.
6. Савченко А.Н. Лингвистика речи // Вопросы языкознания, –М., 1986, –№3, с. 62-74.
7. Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование. –М.: Наука, 1971, 292 с.
8. Турниёзов Б. Ҳозирги ўзбек тилида тенг компонентли мураккаб синтактик курилмалар деривацияси: Филол. фан. ном. дис. ... автореф. – Самарқанд, 2006, 24 б.
9. Фридман А.Г. Грамматические проблемы лингвистики текста. –Ростов н/Д, 1984.с. 30-52.

Хайруллаев Х. Об особенностях изучения объекта речевой лингвистики. В статье, наряду с предложением и его лингвистическим описанием, изложены взгляды на освещения речевых линий и составляющих их единицы. Здесь важное место занимают выводы на основе иерархических отношений речевых единиц. Были выдвинуты более новые механизмы исследования, как языковых, так и речевых. Как и предусмотрена максимальная единица языка, так же предусмотрена минимальная единица речи. Как большая единица, изучается сложная синтаксическая целостность и абзац. Также, выражено отношение о главе и иерархическом отношении в её структуре.

Hayrullaev H. About the features of investigating the object of speech linguistics. The article, along with the sentence and its linguistic description, sets out views on the lighting of the furnace lines and their constituent units. Here an important place is occupied by conclusions based on the hierarchical relations of speech units. Newer research mechanisms, both linguistic and speech were put forward. As the maximum language unit is provided, the minimum unit of speech is also expressed. In article there are studied complex syntactic integrity and paragraph as a big unit. Also, the attitude to the head and hierarchical relations in its structure is expressed.



QADIMGI HIND TILSHUNOSLIGI XUSUSIDA AYRIM MULOHAZALAR

*Turobov Abdurayim Malikovich,
SamDCHTI dotsenti*

Kalit soʻz va iboralar: *Veda, prakrit, brahman, grammatik jins, sanskritolog, Ashtadxyai, sof empirik, fuzey, tezey, ichki fleksiya, urgʻu, ohang, polisemiya, onomatopediya.*

Tilshunoslik tarixining ayrim mutaxassislari, jumladan, N.A.Kondrashov qadimgi Hindistonni til haqidagi fanning beshigi sifatida baholaydi [N.A.Kondrashov.1984. 12].

“Qadimgi Hindistonda” til bilan shugʻullanish dastlab sof amaliy ahamiyatga ega boʻlgan: davr oʻtishi bilan qadimgi yozma yodgorliklarning turli oʻzgarishlarga uchragan unsurlarini (soʻz va qoʻshimchalarini) qayta tiklash, izohlash lozim boʻlgan. Buning uchun hind olimlari eramizdan 15 asr ilgari (baʼzi tadqiqotchilarning fikricha; 45-25 asr ilgari,) yozilgan Vedalarni (oʻn kitobdan iborat boʻlgan diniy madhiyalar) – gimnlar, diniy qoʻshiqlar va afsonalar toʻplamini), eramizdan ilgarigi birinchi ming yillarda yozilgan sanskrit yodnomalarini oʻrganganlar va tahlil qilganlar. Ular Vedalardagi maʼnosi tushunarli boʻlmagan soʻzlarga izoh beradigan lugʻatlar tuzganlar, matnlarni diqqat bilan fonetik va morfologik jihatdan tahlil qilganlar. Bunday tayyorgarlik ishi oʻsha yodgorliklarning unutilgan, buzilgan, shuningdek, jonli til (prakrit) taʼsirida oʻzgarib ketgan oʻrinlarini qaytadan tiklash imkonini berdi. Ana Shunday maqsadda hind olimlari qadimgi adabiy til boʻlgan veda va sanskritda yozilgan matnlardagi soʻzlarning, toʻgʻrirogʻi, soʻz shakllarining oʻxshash shakllariga va oʻxshash maʼnolariga eʼtibor berib, bir soʻzning bir necha shaklini aniqlab, soʻngra ana shu shakllarni bir-biriga qiyoslab, ularning oʻxshash va nooʻxshash qismlarini ajratar edilar. Natijada, bir tomondan, soʻz shakllari uchun umumiy boʻlgan qism-oʻzak va negiz-ikkinchi tomondan, oʻzgarib turadigan qismlar-affikslar aniqlanardi. Shu tariqa soʻz yoki soʻz shakllari amalda birlamchi unsurlarga, hozirgi termin bilan ataganda, morfemalarga ajratilgan. Shuning uchun ham qadimgi hind olimlari

grammatikani vyakarana, yaʼni ajratish (tahlil) deb ataganlar [S.Usmonov. 1972.10].

Dastlabki muqaddas hind qoʻshiqlari eramizdan 1500 yillar oldin paydo boʻlgan deb taxmin qilinadi. Sanskrit eramizdan oldin V asrdayoq jamiyatning kundalik aloqa vositasi vazifasini yoʻqotib, oʻlik tilga aylangan boʻlsa ham, diniy va madaniy anʼanalarni oʻzida saqlovchi mumtoz til sifatida saqlanib keldi. Qadimgi vedalar tilini sharhlash, soʻzlarning toʻgʻri talaffuzini saqlab qolish ehtiyoji tilshunoslik fanining paydo boʻlishiga olib keldi [A.Nurmonov. 2012.5].

Qadimgi Hindistonda dastlab tilshunoslik bilan ruhoniylar shugʻullangan.

Taniqli nazariyotchi olim, professor R.Rasulov bu haqda Shunday yozadi. Vedalardagi maʼnosi tushunarli boʻlmagan soʻzlarni aniqlab, ularning maʼnosini izohladilar, sharhladilar. Vedalar tiliga oid maxsus izohli lugʻatlar tuzdilar, matnni fonetik va grammatik jihatdan tahlil qildilar. Xullas, Vedalar tilidagi soʻz va jumlar maʼnosini, ularning aniq talaffuzini, shaklini saqlab qolishga boʻlgan qatʼiy intilish qadimgi Hindistonda tilshunoslikning yuzaga kelishiga asosiy sabab boʻldi [Rasulov R. 2017.10].

“Ruhoniylar (brahmanlar) tomonidan yozilgan dastlabki grammatik asarlarda toʻgʻri talaffuz masalalari ustida soʻz yuritiladi. Eramizdan ilgarigi ming yillik boshlarida lugʻatlar tuzilgan. Shunday lugʻatlardan beshtasi qadimgi Hindistonning mashhur tilshunosi Yaski (eramizdan oldingi V asr) nomi bilan bogʻliq. Yaski soʻzning morfologik tarkibini, Shuningdek, soʻz maʼnosi masalasini ham toʻgʻri tasavvur qilgan. Uningcha, soʻz narsani bevosita aks ettirmaydi. Uning tovush tomoni bilan narsa oʻrtasida turuvchi maʼno bor. Shu maʼno



tufayli soʻz narsani nomlash imkoniyatiga ega boʻladi” [S.Usmonov. 1972.13].

A.V.Paribokning qayd qilishicha, bizgacha etib kelgan birinchi lugʻat eramizgacha V asrda buddist Amarasimxa tomonidan yaratilgan va u “Amarakosha”, yaʼni Amarasimxa xazinasi deb atalgan.

Lugʻatlarda juda koʻp ishlatiladigan soʻzlarga izoh berilmagan. Nisbatan maxsus maʼnoli soʻzlar Evropa lugʻatlaridek grammatik jinsni koʻrsatish bilan izohlangan [A.V.Paribok.1981.172].

Eramizning V asrida esa Amara sankritning Shunday lugʻatini tuzgan. Undan evropalik sanskritologlar hozir ham foydalanmoqdalar. Qadimgi hind tilshunoslari morfologiya sohasida juda muhim yutuqlarga erishganlar. Ular morfologiyaning uch boʻlimdan iborat ekanligini koʻrsatganlar:

1. Soʻz turkumlarining tasnifi.

2. Soʻz yasalihi. (Oʻtgan asrning birinchi yarmida soʻz yasalihi tilshunoslikning mustaqil sohasi darajasiga koʻtarildi.)

3. Soʻzlarning grammatik shakl jihatidan oʻzgarishi. “Soʻzlarni turkumlarga ajratish” masalasida yagona fikr yoʻq edi. Toʻrtta soʻz turkumini ajratish fikri koʻproq eʼtirof qilingan. Ular ot, feʼl, old koʻmakchi va Yuklama.

Ot-predmetlik gʻoyasini bildiruvchi, feʼl esa harakatni ifodalovchi soʻz sifatida taʼriflanadi. Otlar feʼl oʻzaklaridan yasaladi, ular birlik, juftlik va koʻplik shakllariga egadir. Old koʻmakchilar otlarning va feʼllarning maʼnolarini koʻrsatib beruvchi soʻzlar deb baholangan. Yuklamalarga kelganda, qadimgi hind olimlari ularni maʼnolariga koʻra uch guruhga ajratganlar: 1) qiyoslash Yuklamalari, 2) bogʻlovchi Yuklamalar, 3) sheʼrlarda shakl unsuri sifatida ishlatiladigan Yuklamalar.

Olmoshlar va sifatlar alohida soʻz turkumlariga ajratilmay, ot va fel turkumlariga qoʻshib yuborilgan.

Hindlar yettita kelishikni ajratganlar. Bular: 1) bosh kelishik, 2) tushum kelishigi, 3) qurol kelishigi, 4) joʻnalish kelishigi, 5) ajratish (yaʼni chiqish) kelishigi, 6) qaratqich kelishigi, 7) oʻrin kelishigi.

Biroq hind grammatiklari yuqoridagi kabi alohida nomlar bilan atamagan. Ular birinchi, ikkinchi, uchinchi va hakoza deb kelishiklarni bir-biridan raqam bilan farqlaganlar.

Hind tilshunoslari qoʻshma soʻzlarning oʻttizga yaqin turini farqlaganlar. Ular qoʻshma soʻzlarning tuzilishida komponentlar orasidagi munosabatlarga eʼtibor berganlar. Masalan: ot+ot // feʼl; sifat//sifatdosh// ravish+ot //sifat//feʼl; son+ot va boshqalar [R.Rasulov. 2017. 11].

Hind olimlari feʼl turkumining morfologik kategoriyalarini mukammal ishlagan edilar. Ular feʼlning uch zamonga birlashadigan etti xil zamon shaklini: Hozirgi zamon, oʻtgan zamonning tugallangan, tugallanmagan va uzoq oʻtgan zamon turlarini, kelasi zamonning odatdagi kelasi zamon va juda kam qoʻllanadigan shart feʼli shakllarini ajratganlar.

U davrlarda ham feʼlning toʻrtta mayli-xabar, istak, buyruq, shart mayllarini bilganlar. Feʼlning aniq, oʻrta va majhul nisbatlari ajratilib, har biri alohida taʼriflangan. Chunki aniq nisbat boshqa shaxs foydasi uchun bajariladigan harakatini ifodalovchi soʻz deb taʼriflangan.

Sanskrit tilida feʼlning uch shaxs va uchta son (birlik, juftlik, koʻplik)ga koʻra tuslanishi koʻrsatilgan” [S.Usmonov. 1972.11-12]. “Yetarli darajada ishlangan qadimgi hind grammatik anʼanalarining mahsuli sifatida mashhur tilshunos Paninining “Ashtadhyai” (grammatik qoidalarining sakkiz boʻlimi)” asari maydonga keldi. Panini eramizdan ilgari XV asrning ikkinchi yarmida yashagan deb taxmin qilinadi.

Paninining grammatikasi sof empirik va tasviriy xarakterdagi darslik boʻlib, unda sanskrit (qisman veda) tilining fonetik, morfologik, soʻz yasalihi va sintaktik sistemasiga oid 3996 ta qoida jamlangan.

Qoidalar bolalarning yodlashlariga moʻljallanib, juda ixcham shaklda, sheʼr bilan aytilgan.

Panini Veda prozaik asarlar tilini qonunlashtirdi, grammatik qoidalar asosida bir meʼyorga keltirdi. Chunki ungacha Vedalar turli dialektlarda yozilgan edi. Panini va uning izdoshlari sanskrit adabiy tilining



ortiqcha soddalashib ketish jarayonini to'xtatdilar. Natijada sanskrit bilan jonli til, prakrit orasida farq paydo bo'ldi.

Panini o'z grammatikasida tilga tarixiy yo'sinda yondoshmagan edi. Shu bilan birga, unda falsafiy baza, umumlashtirishlar yo'q edi. Shunga qaramay, bu grammatika Hindistonda qariyb 2 ming yil davomida eng ishonarli va obro'li qo'llanma bo'lib keldi. [S.Usmonov. 1972.14].

Hindshunos A.P.Barannikovning qayd qilishicha, Panini sanskrit va veda tilini bir-biri bilan qiyoslash natijasida qiyosiy metod namunasini yaratgan. U nihoyatda oddiy bo'lgan. Buning ustiga, Panini grammatikasida tilning tarixiy taraqqiyoti tushunchasi bo'lmagan.

R.Rasulov qayd qilishicha, ushbu tadqiqot tili – undagi qoidalarni nihoyatda ixcham va qisqa bo'lganligi, asar tili o'ziga xos terminologiyaga egaligi sababli Panini tadqiqoti uzoq vaqtgacha ovrupolik olimlarga tushunarli bo'lmadi. Birinchi bo'lib, asar mazmunini, undagi g'oyani rus tilshunos olimi O.Byotling izohlab berdi.

Panini o'z davrida yoq tilni sistema sifatida tushundi, so'z turkumlarini farqladi, so'z tarkibini o'rgandi, o'zak, qo'shimcha, urg'u, intonatsiya va boshqa hodisalar haqida ma'lumot berdi [R.Rasulov. 2017.12].

Bulardan qat'iy nazar, Ya.V.Loyaning qayd qilishicha, Panini mumtoz sanskrit grammatikasining mukammal, to'liq sistemasini bayon qilgan [Ya.V.Loya. 1968. 58].

Demak, Panini o'sha davridayoq tilni o'ziga xos sistema sifatida tasavvur qilgan deyish mumkin.

Panini tilshunoslikka nol morfema tushunchasini kiritgan, ichki fleksiyaning, urg'uni, ohangni aniq farqlagan.

Panini tilshunoslikka Varuchi Katyana (eramizgacha III asr) va Patanjali (eramizgacha II asr) kabi mashhur sharhlovchilariga ega bo'lgan va mutaxassislar qariyb 2 ming davomida yuqori baholanib kelmoqda.

Chunki uzoq yillar davomida ham sanskritning Paninikidek mukammal grammatikasi yaratilmagan. Ya.V.Loya va S.Usmonovning ko'rsatishicha, eramizning

XII asridagina, A.V.Paribokning ko'rsatishicha esa, eramizning XIV asridagina yirik hind tilshunosi Vopadeva sanskritning yangi, qimmatbaho grammatikasini yaratgan.

Hindistonda grammatik ta'limot eramizning I asri o'rtalarida ayniqsa rivojlangan. Bunda, Ya.V.Loya va F.M.Berezinning ko'rsatishicha, eramizning I asrida, A.V.Paribokning ko'rsatishicha esa, XI asrida yashagan faylasuf tilshunos Bxartxarining ilmiy faoliyati alohida o'rin tutgan. U ham, boshqa grammatiklar kabi, gapni tilning asosiy birligi sifatida talqin qilgan.

Ko'rinadiki, qadimgi hind tilshunoslari, sintaksis sohasida jiddiy ishlar qilmagan bo'lsalar-da, gapga yuqori baho berganlar. Jumladan, Bxartxari "Gap va so'z haqida asar" nomli monografiyasida grammatikaga quyidagicha baho bergan:

"U (ya'ni grammatika) mangulik darvozasidir, nutqni ifloslanishdan saqlovchi dorivordir, barcha bilimlarni yorituvchidir. U har bir bilimda yarqirab nur sohib turadi" [A.V.Paribok 1981.155].

Hind tilshunoslari til birligi sifatida gapni tan olganlar, Chunki faqat gap orqali fikr ifodalanadi, deb tushunganlar. So'zni til birligi deb hisoblamaganlar. Ularcha, so'z shakl va mazmun nuqtai nazaridan mustaqillikka ega emas [B.O'rinboyev 1999. 8].

XI asrda yashagan faylasuf tilshunos Bxartxarining ilmiy faoliyati alohida o'rin tutgan. U ham, boshqa grammatiklar kabi, gapni tilning asosiy birligi sifatida talqin qilgan.

Ko'rinadiki, qadimgi hind tilshunoslari, sintaksis sohasida jiddiy ishlar qilmagan bo'lsalarda, gapga yuqori baho berganlar. Jumladan, Bxartxari "Gap va so'z haqida asar" nomli monografiyasida grammatikaga quyidagicha baho bergan:

XI asrning yirik olimi Anandavardxana poetikaga bag'ishlangan "Dxvana olami" nomli mashhur asarida Bxartxarini quvvatlab, shunday deydi:

"Olimlarning birinchisi grammatiklardir, chunki grammatika barcha fanlarning poydevoridir" [A.V.Paribok.1981.155].



F.M.Berezinning ta'kidlashicha, qadimgi hind tilshunoslari Panini, Katyana va Bxartxaridan keyin yangi tadqiqotlar olib bormaganlar.

Ular o'zlaridan keyin o'tgan tilshunoslarning qarashlarini umumlashtirish va ularning asarlarini sharhlash bilan shug'ullanganlar.

Umuman olganda esa, qadimgi hind tilshunoslari o'z davrlari e'tibori bilan til haqidagi fan taraqqiyotining yuqori cho'qqisiga ko'tarila olganlar, jahon tilshunosligi taraqqiyotiga katta hissa qo'sha olganlar, ko'plab mamlakatlarning tilshunoslariga kuchli ta'sir ko'rsatganlar.

Adabiyotlar:

- 1.Rasulov R. Umumiy tilshunoslik.-Toshkent: Fan va texnologiya, 2017 yil, 312 b.
- 2.Nurmonov A. Tanlangan asarlar 2-jild. Lingvistik ta'limotlar tarixi –Toshkent: 2012 yil, 232 b.
- 3.O'rinboyev B. O'zbek tilshunosligi tarixi. -Samarqand: SamDU, 1999. -80 b.
- 4.Usmonov S. Umumiy tilshunoslik. -Toshkent: "O'qituvchi", 1972. 208 b.
5. Я.В.Лоя. История лингвистических учений.-М.:Высшая школа, 1968.-308 с.
- 6.Ф.М.Березин. История лингвистических учений.-М. 1984.-319 с.
- 7.Н.А.Кондрашов. История лингвистических учений.-М.:Просвещение,1979.-224 с.
- 8.А.В.Парибок. Методологической основаниях индийской лингвистики // История лингвистический учений.Средневековый Восток.-Ленинград: Наука,1981. 214 с.
- 9.Лингвистический энциклопедический словарь/ гл. ред. В.Н. Ярцева. – 2-е изд., доп. – М. : Большая рос. энцикл., 2002. – 709 с.

Туробов А. Некоторые размышления о древнеиндийском языкознании. В данной статье анализируется развитие языка, лингвистической практики, труды учёных древней Индии, а также развитие практического языкознания на основе грамматических правил языка.

Turobov A. Some discussions on the linguistics of ancient India. This article analyzes the discussion of language development, linguistic practice and works of scholars of ancient India as well as development of practical linguistics on the basis of grammar rules.



ЗАМОНАВИЙ БАЛЛАДА ЖАНРИНИНГ АДАБИЙ-ТАРИХИЙ ГЕНЕЗИСИ ВА НАЗАРИЙ ПОЭТИКАНИНГ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ

*Эшқобилов Абдували Казакович,
СамДЧТИ ўқитувчиси*

Калит сўзлар: баллада, жанр, жанр генезиси, назарий поэтика, доминант жанр, жанр белгиларчи хусусиятлар.

Мумтоз адабиётшунослик дарғаларининг илмий асосланган фикрларисиз адабий баллада жанрининг ўзига хосликлари, поэтикаси, келиб чиқиш тарихи, бадиий метод сатҳидаги ўрни ҳамда уларни замонавий жаҳон ва миллий адабиётшуносликда ўрганилиши тамойиллари таҳлилини амалга ошириш мумкин эмас. Шу сабабли, адабий баллада жанрининг миллий адабиётшунослигимиз аспектида ўрганилиши тарихига тўхталишдан аввал, жаҳон, хусусан, Ғарб адабиётида пайдо бўлишининг адабий-тарихий генезиси ҳамда адабий-бадиий жиҳатлардан ўрганилишига кенгроқ тўхталиш тақозо этилади.

Таъкидлаш жоизки, адабиётшунослик фанида баллада жанрининг яқдиллик билан қабул қилинган ягона таърифи йўқ. Бу жанр асрлар мобайнида турли географик, ижтимоий-тарихий ва маданий шарт-шароитларда миллий ўзига хослик хусусиятлари билан бойитилиб туб генетик ўзгаришларга учраган. Атаманинг дастлаб лотин тилида, сўнгра қадимий француз-роман тилида “ракс кўшиғи” маъносини англатиши, унинг фольклор кўшиғидан ёзма бадиий адабиёт ходисасига айланиши тарихи, тадрижий ривож қатор илмий адабиётларда, луғатларда ўз ифодасини топган. Замонавий адабиётшуносликда баллада жанрининг таснифлари энг баҳсли ҳамда мураккаб илмий масалалардан ҳисобланади. Баллада тинимсиз ривожланишда ва ўзгаришда бўлган жанр эканлиги сабабли, тадқиқотчилар учун жанр белгиларини аниқлаш мураккаблик туғдиради. Ҳатто баллада атамасининг ўзи ҳам полисемантик хусусиятга эга

эканлиги, санъатнинг ҳар хил турларига хос жанрларни ифодалаш туйғайли, кўп йиллар жанрнинг назарий-поэтикаси билан боғлиқ илмий муаммолар ишланишида чалқашликларга сабаб бўлган. Оқибатда ҳозиргача баллада жанрининг мазмуни ва шаклида етакчилик қиладиган белгилар борасида аниқ бир тўхтамга келинмаган. Асрлар давомида бу лиро-эпик жанр ҳам шаклан, ҳам мазмунан катта ўзгаришларга учрайди. Нақорат ва ракс жўрлигидан аста-секинлик билан ажралган баллада драматик мазмунга эга сюжетли шеърга айланиб боради.

Баллада жанрини рус шеърини мисолида ўрганишга бағишланган Н.П.Андреевнинг “Рус балладаси” тўпламига ёзилган илк кириш сўзида жанрнинг тахминий белгилари баён қилинади: воқеабандлик омили аниқ ифодаланган кўшиқлар, уларда драматик зиддият чўққига кўтарилади. В.Я.Пропп ва Б.Н.Путиловлар баллада жанри белгилари сифатида маиший-оилавий мавзуларни ва зиддиятларнинг фожеавий ҳал этилишини кўрсатишади.³

Бу масаланинг илмий тадқиқи кейинги босқичда Д.М.Балашов ишларида ривожлантирилади.⁴ Бу олим салафларига нисбатан жанр хоссаларини белгилашда аниқроқ таснифлашга ҳаракат қилади:

³ Қаранг: Жабборов Н. Янги замон шеърини тамойиллари// Шарқ юлдузи, 2014, 3-сон; Магомедова, Р. М. Аварская баллада : общее и локально-особенное.- Диссертация кандидата филологических наук.-Махач-кала, 2008; Андреев Н.П. Вступ. ст. к сб. «Русская баллада». Библиотека поэта. Большая серия. М.-Л., 1966.; Вступ. ст. к сб.: Былины. -М., 1968.

⁴ Балашов Д.М.Русские народные баллады. - М.: Современник, 1983.- С.95-123.



баллада жанрига мансуб асарлар чегарасини белгилайди, жанрнинг асосий жанр кўрсаткичларини ва поэтик хусусиятларига аниқлик киритади. Рус балладалари эволюциясини ўрганар экан Д. М. Балашов қадимий балладалар драматик характердаги эпик кўшиқлардан ташкил топганлигини таъкидлайди. Баллада жанри поэтикасидаги эпиклик, унда ҳам эпосда бўлгани каби воқеа муаллиф тилидан муайян тартибда кетма-кетлик билан ҳикоя қилинишида намоён бўлади. Бунда лирик чекинишлар, мавҳум баёнчилик ва панд-насихатгўйликка йўл қўйилмайди. Воқеалар ривожининг энг кескин жойлари айтилади, диалоглар воситасида ҳаракат ва драматизм кучайтирилади.

Н.И.Кравцов славян халқлари балладаларининг ўзига хосликларини ўрганиб, улар батафсил мавзу гуруҳларига бўлиб чиқди, жанр хусусиятлари ва сюжетининг ўзига хосликларини аниқлади. Олим балладаларнинг эпик – воқеабандлик хусусиятларига алоҳида эътибор қаратади.⁵

Балладалар халқ ҳаётининг тарихий саналарига, даврларига бағишланиши, ижтимоий, оилавий, маиший турмушини фожевий вазиятлар таъсирида ўзгарганлигининг моҳиятини, халқ тасаввурларини акс эттириши жиҳатидан тарихийлик хусусиятига эга бўлади. Шунингдек, тарихийлик янги ижтимоий борлиқнинг халқ тафаккуридаги идроки ва эски бадий аънаналар тўқнашуви натижаси бўлган балладалар сюжетида ҳам акс этади.

Аксарият тадқиқотчилар баллада жанрини белгиловчи хусусияти сифатида сюжетни кўрсатишади. Лирик кўшиқда мавжуд сюжет мотиви изчил ривожлантирилмасдан маълум бир эмоционал-психологик реакция ҳосил қилади. Балладада хатти-ҳаракати,

фаолияти билан тавсифланган қаҳрамон, кўшиқда ўй-хаёллари билан бадий тасвирланади.

Бизнинг учун баллада жанри ривожининг инглиз-шотланд лиро-эпик кўшиқларидан ёзма адабиётга бошланган йўли муҳим. Зеро, ўзбек адабий балладасининг муайян даврдаги намуналари жанрнинг ушбу типига мансуб.

Ўзининг композицион тузилиши, мавзулари ва эмотив-таъсир кучи хоссалари сабаб баллада жанри европаликларнинг, аввало, инглиз ва немис роматизми шеърятининг поэтик тизими эҳтиёжларига мос тушади⁶. Ўрта асрларга хос халқона ва диний фантастика, муҳаббат, қасос, жиноят мавзуларидаги сюжетлар баёнидаги кўрқинчли ва эҳтиросли жиҳатлар классицизмнинг силлиқ ва бетараф мавзулари, оҳанги ва шаклига зид тарзда яратилади. Мумтоз адабий баллада ана шундай мезонлар ва поэтика замирига қурилади.

Маълумки, Европада адабий балладалар яратилишига епископ Т. Персининг “Қадимий инглиз шеърятти ёдгорликлари” (1765) ва В.Скотнинг “Шотланд чегара кўшиқлари” (1802) каби тўпламларнинг чоп этилиши тўртки бўлади. Германияда бу вазифани “Volkslieder” (биринчи нашри 1773 йилда эълон қилинган) халқ кўшиқлари китоби ва И.Г.Гердернинг назарий рисоалари бажаради. Гердер халқ шеърятти моҳиятини англашнинг назарий асосларини яратади ва халқона балладалар яратишга чорлайди. Гердерни тўрт хусусиятга эга бўлган асарлар қизиқтиради: лирик, мифологик, драматик ва эпик. У шу тарзда замондош ижодкорларни халқона асарлар яратишга ундаб, амалда баллада жанри олдига

⁵ Кравцов Н.И. Славянская народная баллада./ Проблемы славянского фольклора.-М.:Наука, 1972. -167-199 С. Яна қаранг: Ҳайитов А. 90-йиллар ёшлар шеъряттида аънанавий ва шаклий изланишлар: Фил. фанлари номзоди... диссертацияси. -Т.: 2003.

⁶ Кузьменкова Е. В. «Баллады А. С. Пушкина :Фольклорные и литературные источники текста». Автореферат диссертации кандидат филологических наук. <http://www.dissertat.com/content/ballady-s-pushkina-folklornye-i-literaturnye-istochniki-teksta.-> 4 с.; Балашов Д.М. История развития жанра русской баллады. -Петрозаводск: Карельское книж. изд-во, 1966 – 178 с.



халқчилликни биринчи даражали масала сифатида қўяди.

Буюк немис файласуфи Гегель романтик поэзия ҳақида мулоҳаза юритиб, шахс-индивидуумнинг ички оламига эътибор қаратишга чакиради, бир неча марта бевосита баллада жанрини ўрганишга тўхталади. Бюргер, Гёте ва Шиллер каби даҳо шоирларнинг балладаларини ўта кўтаринки руҳда шарҳлайди⁷. Гёте ва Шиллер ортидан баллада жанрига Д. Байрон, Г. Гейне, В. Гюго, А. Мицкевич ва Ю. Словацкийлар мурожаат қилишиб, миллий адабий баллада намуналарини ривожлантиради.

Адабиётшунос олим Г.Н.Поспеловнинг таъкидлашича, “романтизм... аввало, сентементалистлар ҳадиксираб очишган сўқмоқлардан келиб классицизм ўрнини ишонч билан эгаллаган адабий оқимдир”⁸. Яна бир улуғ адабиёт назарийчиси А.Н.Веселовский романтизмни “санъатдаги либерализм” деб атаб, бу метод ҳар доим санъатнинг формал унсурлари борасида ҳам, унинг мазмуни борасида ҳам, бадиий қадриятларни қайта баҳоланишига олиб келишини таъкидлаб, шундай ёзади: “Романтизм ва классицизм ижтимоий-адабий оқимлар алмашинувида мунтазам равишда ўзаро ўрин алмашади. Бадиий адабиётда классицизмга хослик - ўз-ўзини бартараф этаётган, кучи қолмаган, тафаккур ва ҳиссиётнинг янгича мазмунига, янгича эҳтиёж ҳамда ифода шакллари ўртасида мослик мезонларига жавоб беролмайдиган ҳолатдир. Бундай ҳолатда ҳамма жойда янгиланиш ахтарилади: ҳалқчилликда, экзотикада...”⁹

Ўзларини классикларга қарши қўйишган романтиклар ижодида, олдинги адабий оқим вакиллари ижодига хос жанрлар ва мавзулар қонуниятларини

инкор этиш орқали, фаол ва таъсирчан романтизм эстетикасининг новаторлиги талаблари асосида жанрлар трансформацияси жараёни, айниқса, ёрқин акс этади. Г.Н.Поспелов фикрига кўра (романтизмнинг умумназарий масалаларига бағишланган аксарият илмий тадқиқотларда шундай фикрлар илгари сурилади), янги бадиий метод пайдо бўлиши ва қарор топиши жараёнига бадиий тафаккурнинг “антитеза принцигига мувофиқ”¹⁰ тарзи хос бўлади. Демак, бизнингча, айтилганлардан келиб чиқиб, қўйидагича хулоса чиқариш мантиқан тўғри бўлади: бадиий методлар ўрин алмашишида барча жанрлар бир хил роль бажармайди. В.В.Томашевский ўзининг “Теория литературы” асарида муайян жанрни унинг ички алоқалари тизими воситасида ажратиб, белгилар экан, бу тизимга хос бир жиҳатни алоҳида таъкидлайди: “муайян жанрга хос усуллар гуруҳига ҳис этилиб, кузатиладиган усул ва белгилар жамланади” ва улар “маъно доминантлари” деб номланади¹¹.

Олимнинг бу назарий қарашини алоҳида олинган даврнинг ўз адабий-бадиий методига хос яхлит жанрлар тизимини белгилашга нисбатан қўлласак, доминант-етакчи жанр ғояси асосли эканлигига ишонч ҳосил қиламиз. Бундай жанр ўтмиш бадиий методи назарияси инкор этилишида ўзига хос таянч, бошқарув воситаси вазифасини бажаради. Биз аниқламоқчи бўлган доминант-етакчи жанр тўғрисидаги бу фикрлар М.М.Бахтиннинг “Эпос ва роман” мақоласида ишонарли тарзда қўллаб-қувватланади. Олимнинг концепциясига кўра, муайян бадиий метод етакчилик қилган давр учун бундай “асосий” жанрнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши исботланган, масалан, реализм учун роман жанри шундай ҳодиса ҳисобланади. Бундай жанр, бошқа жанрлар билан ўзаро алоқага киришиб “уларга муаммолилиқ, ўзига хос тугалламаганлик, шаклланаётган,

⁷ Гегель Г. Эстетика: В 4 т. М., 1969. Т.2. -С. 234.

⁸ Поспелов Г.Н. Что такое романтизм?// Сборник “Проблемы романтизма”.-М., 1967.-С.45. Ўзбек тилида нашр этилганларидан ташқари барча матнлар таржимаси муаллиф томонидан амалга оширилган.

⁹ Веселовский А.Н.Избранные статьи.- М.:Гослитиздат, 1959.- 572 с.

¹⁰ Поспелов Г.Н.Кшрс. манба.- 41 с.

¹¹ Томашевский Б.В. Основы теории литературы.- М.: Гослитиздат, 1971.-258 с.



ҳали тайёр бўлмаган замона билан жонли алоқа кабиларни олиб киради”¹²[11,98]. Бу жанр бошқа жанрларни ҳам ўз таъсир доирасига олади, шу сабабли бу таъсир доираси янги давр адабиётининг асосий йўналишларига мос келади.

Романтизмга нисбатан қўлланилганда, назаримизда, бундай жанр ўзининг энг муҳим хосса ва хусусиятларига кўра, классицизм поэтикасига хос устувор догма ва қонуниятларга қарши бўлиши ҳамда жанрнинг янгича бадиий оламини ўзида мужассам қилиши лозим эди. Бизнингча, ўз даврида бундай вазифани тўлақонли ва изчил равишда, бошқа жанрларга нисбатан чуқурроқ ва софроқ баллада жанри бажарди. Бу мулоҳазамазни В.Г.Белинскийнинг иккита фикри исботлайди: “Баллада... нисбатан романтик асар”¹³[16, 7, 167,] ва “баллада ўспирин романтизмнинг олдинги каторида турарди ва биринчилардан бўлиб кўлида муваффақият байроғини баланд тутиб жангга (классицизмга қарши – А.Э) киришди”¹⁴.

Бевосита мазмун сатҳида бу ҳол классиклар учун қатъий ман этилган мавзулардан бўлган халқ оғзаки ижодига мурожаатда намоён бўлади. Доминант жанри баллада бўлган романтизм эстетикаси халқ оғзаки ижодига мурожаат этишда янгидан янги образлар ва мотивлар манбасини топади. Бундан ташқари, романтик эстетиканинг яна бир муҳим масаласи – рухий-маънавий эркинлик талаби ҳам ўз-ўзидан ҳал этилди: бадииятда классик санъатнинг бурч ва “давлатчилик” ғояларининг улуғланишига қарши шахс ва унинг ички олами қадриятлари оқланди. Бунинг оқибати ўлароқ, Ўрта асрларга хос романтикнинг эътироф этилиши, Инжил ва рицарлик афсоналарига мурожаат қилиш, антик образлар ва сюжетларнинг қайта идроки, бадиий

тафаккурдаги инқилобни “ривоятларга таяниб асослашга” интилиш кабилар адабий жараёнга кенг ёйилди. Буларнинг барчасини биз баллада поэтикасида учратамиз, зеро, айнан ривоят, афсона кабилар жанри шакллантирувчи унсурлар ҳисобланади. Шунингдек, баллада жанрининг ғоявий-бадиий тузилиши романтизмга хос бошқа жанрларга нисбатан шиддатлироқ тарзда классицизм методига хос жанрларнинг “тожи” бўлган ода-қасида жанрига нисбатан инкор тарзида шаклланди. Бу ҳақда рус олимлари Л.С.Мелихова ва В.Н.Турбин ҳақли равишда шундай ёзади: “... Адабиётга романтизмнинг бостириб, ёриб киришида ҳамкор бўлган балладанинг бадиий жозибаси, аввало, эҳтимол, қасидага намоёйишкорона қарма-қарши бўлганлигида эди... Ва балладанинг бадиий талаблари қасиданинг бадиий меъёрларига – замирида сўзларнинг бир хиллиги, моносемантиклиги ётган унинг мажбурий рационализи, аниқ “режаси” ва услубига зидликда исботланди. Баллада қасидага нисбатан оппозицияда, “тесқари ода сифатида” пайдо бўлди”¹⁵.

Баллада жанри ўзи асосланган ижодий метод табиатидан келиб чиқиб афсона асосидаги мотив ва эпик воқеликни субъективлаштириш, романтик киноя билан бойитиш, шахсий тажриба билан максимал тўлдиришга ундайди. В.Г.Белинский фикрига кўра, “балладада шоир биронта фантастик ва халқ ривоятини олади ёки ўзи шу хилдаги воқеани ўйлаб топади. Бироқ бунда асосий нарса воқеа эмас, балки у чорлайдиган ҳиссиёт, кечинма, китобхонни йўналтирадиган ўй-хаёл...”¹⁶. Айнан шу нуқтаи назардан балладани “энг романтик жанр ҳисоблаш” мумкин, чунки романтик эстетиканинг асосий қонунияти – субъективликни объективлаштириш – бунда кенг масштабни кўринишда намоён бўлади. Демак, баллада кенг маънода романтик-шоирнинг рухий-маънавий

¹² Бахтин Б.М. Эпос и роман // Вопросы литературы. -1970, №1. -С. 95-123.

¹³ Белинский В.Г. Полное собрание сочинений в 13-ти томах. Т.7.-М.: АН СССР, 1955-1969.-740 с.

¹⁴ Ўша жойда. - 198 с.

¹⁵ Мелихова Л.С., Турбин В.Н. Поэмы Лермонтова // Конспект спецкурса для филологических факультетов университетов. -М.: 1969.- 78 с.

¹⁶ Белинский В.Г. Кўрс.манба.-298 с.



субъектив тажрибасини
объективлаштирилишидир.

Замонавий ўзбек шеъриятида ХХ асрнинг иккинчи чорагида пайдо бўлган баллада жанри жаҳон адабиётида пайдо бўлишидаги хусусиятларини миллий материалда сақлаган ҳолда муқим ўрин

эгаллаб, ўтган асрнинг турли тарихий даврларида муайян ўзига хосликлар касб этиб келди. Айниқса, ўзбек шеършунослигида ўрганилмай қолган 70-90-йиллар балладасини назарий поэтика нуқтаи назаридан тадқиқ этиш муқим илмий аҳамият касб этади.

Эшкobilov A. Литературно-исторический генезис жанра современной баллады и некоторые вопросы теоретической поэтики. Статья посвящена исследованию генезиса жанра литературной баллады на материале мировой литературы в историко-художественном плане с точки зрения теоретической поэтики. Основное внимание уделено к появлению романтического жанра как отрицание литературы классицизма в Западной литературе и приобретению национального своеобразия в узбекской поэзии.

Eshkobilov A. Literary-historical genesis of the genre of modern ballad and some questions of theoretical poetics. The article is devoted to investigation of genesis of the genre of literary ballad on the material of world literature in historical-literary aspect from theoretical poetics. Main attention is paid to appearance of romantic genre as refusion of classical literature in Western literature and acquirement of national peculiarity in Uzbek poetry.



ҲАМЗА ИЖОДИДА ФУРҚАТ АНЪАНАЛАРИ

Каримова Сафия Расуловна,

СамДЧТИ катта ўқитувчиси, филология фанлари номзоди

Калит сўзлар: жадид, анъана, мувашишаҳ, девон, матлаъ, мақтаъ, ғазал, байт, жанр, салаф, назира, маснавий, мактуб, мухаммас, тахаллус.

Фурқатнинг маърифатпарварлик соҳасидаги анъаналарини ижтимоий ҳаёт материаллари асосида ижодий давом эттирган шоирлардан бири Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийдир.

Ёш Ҳамза адабиёт майдонига қадам қўяр экан, биринчи навбатда мумтоз адабиётимиз анъаналаридан озиқланди. Аста-секин бу анъаналар янги маърифатпарварлик йўналиши туғилиши билан вужудга келган адабиёт- жадид адабиёти ғоялари билан уланиб кетди. Ҳамза - Ниҳоний ўз ижодининг илк даврларида Фурқат шеърларига эргашиб анъанавий ғазаллар ёзди.

Маърифатпарвар шоир Фурқат илмнинг аҳамияти тўғрисида шундай ёзади:

Жаҳон басту кушоди илм бирла,
Надир дилнинг муроди илм бирла.
Кўнгулларнинг сурури илмдандур,
Кўрар кўзларнинг нури илмдандур .
Керак ҳар илмдин бўлмак хабардор
Бўлур ҳар қайси ўз вақтида даркор.
Ўз устозининг илғор анъаналарига
содиқ бўлган Ҳамза ҳам илм ҳақида
махсус шеър ва публицистик мақолалар
билан майдонга чиқди. У 1914 йилда ёзган
«Илм иста» шеърисида шундай дейди:

Оламнинг хуршиди кундир,
одамнинг хуршиди илм,
Оламнинг зулмати тундир,
одамнинг нодори илм...
Гар муроду мақсадинга етмок
истарсан мурод,
Кўз очиб бедор бўл, даркор илм,
даркор илм...
Ул ҳақиқат ошёнига сайқал
истарсан Ниҳон,
Илм иста, илм иста, истагил зинҳор
илм!

Диалог (икки кишининг савол-жавоби) приёми кўп шоирларнинг диққатини ўзига тортган. Фурқатнинг «Кашмирли қизга» ғазалида шу усулда ёзилган ажойиб мисраларга дуч келамиз:

Айдим: «Эй жон офати, зулфунгга
бўлмишман асир!»

Айди: «Бул савдони қўй, умринг
ўтар занжирда».

«Нукта лаб устида бежодур», -
дедим. Айди кулиб:

«Саҳв қилмиш котиби кудрат магар
тахрирда».

Ҳамзанинг ишқий шеърларида ҳам салафларига эргашиб шу приёмга мурожаат қилиш ҳолларини кўрамиз.

Айдим: Пари, Ман хастага, мунча
жафо даркор эмас,

Еткай қиё бокмаслиғинг , ортик
жазо даркор эмас.

Деди кулиб: Эй хаста қул, маъшук
элини хун шул,

Кел, деди, бер санга кўнгил, кет,
можаро даркор эмас,

Дедим: Тараххум айлагил,
ўлдурмоқа тутма хавас,

Ишқингда минг ўлган ўзим, ханжар
манга даркор эмас.

Деди яна: Ошиқ элин ўлдурмок
ўлган одатим,

Сандек манга жони ширин, кўрқок
ако даркор эмас.

Қизиғи шундаки, Ҳамза - Ниҳоний Фурқатнинг шу ғазали йўлида янги бир мувашишаҳ-ғазал ҳам ёзди. Уни Фурқатнинг машҳур «Кашмирли қизга» ғазалига ёзилган назира ғазал дейиш мумкин:

Фурқатда:

Бир қамар сиймони кўрдим балдаи
Кашмирда,\



Кўзлари масхуру юз жоду эрур
тасхирда.

Зарра-зарра зар сочар бошига ҳар
кун офтоб,

Субҳ келгач, кеча ётиб чашмаи
эскирда.

Ҳамзада:

Лола янглиғ оразини бир кўруб
тасвирда,

Мубтало ўлмоқдигим ёзмиш экан
тақдирда.

Турфа савдолар бошимга тушди,
кетди ихтиёр,

Ким ўтарга ўхшади эмди умр
занжирда.

Айниқса, Ҳамза яратган
мувашшаҳларда биз Фурқат
мувашшаҳларининг таъсирини яққол
кўришимиз мумкин. Хусусан, Х.Х. Ниёзий
ўз ижодининг дастлабки йилларида
Фурқат мувашшаҳларига эргашиб,
Ниҳоний тахаллуси билан ўндан ортик
мувашшаҳ – ғазаллар яратган.

Х.Х.Ниёзийнинг «Девони
Ниҳоний» сида ғазал ва мухаммаслардан
ташқари ғазал шаклида ёзилган бир қанча
мувашшаҳлар, мусалласотлар (учликлар),
маснавий-саломномалар (шеърий
мактублар) ҳам бор. Ҳамза лирикасини
текширган олимлар ҳам «Девони
Ниҳоний»даги ғазалларни таҳлил қилиш
билан чекланганлар. Унинг ғазалдан бошқа
шеърий жанрларда ёзган асарлари четда
қолган. Профессор Р.Орзибековнинг
«Ўзбек шеъриятида сирли-синкретик жанр
ва шакллар» рисоласида биринчи бор
шоирнинг мувашшаҳлар ҳам ёзганлиги
айтилиб, унинг иккита ғазал-мувашшаҳи
хусусида фикрлар баён этилади. Бизнинг
изланишларимизга кўра Ҳамзанинг
«Девон»ида саккизта мувашшаҳи бор.
Демак, шоир бу жанрда ҳам ўз яқин
ўтмишдошлари бўлмиш Муқимий, Фурқат,
Завқийларнинг мувашшаҳ шеърлар ёзиш
соҳасидаги тажриба ва анъаналарини
давом эттирган. Унинг Раҳимхон исмига
ёзилган

Раҳми йўқ, эй бевафо дилбар,
билмайсан ҳануз,

Қоматингга бўлмишам хуштор,
билмайсан ҳануз-

матласи билан бошланувчи етти байтли
ғазалида ошиқона хис - туйғулар,
маҳбубанинг висолида азоб чекаётган
ошиқнинг дардлари ифодаланаётгандек.
Шеър ғазал шаклида ёзилган, ғазалга хос
поэтик белгиларга - матлаъ ва мактаъ
байтларига эга. Шеър мактасида шоирнинг
тахаллуси ҳам берилган, худди ғазалларда
бўладигандек яққа қофия тартибига эга. (а
а, ба, ва, га, да). Лекин ғазал байтларининг
биринчи тоқ, мисраларининг биринчи
ҳарфларини (Р, Ҳ, Е, М, Х, О, Н) араб
алифбоси шаклида бир-бирига қўшсак
«Раҳимхон» исми келиб чиқади.

Раҳимхон деган киши Ҳамзанинг
ёшликдаги дўстларидан бўлган. Ҳамза чет
эл саёҳатларида бўлганида бу дўстига
мактуб йўллаган экан. Бу фактни
ҳамзашунос олимларимиз аниқлаганлар.

Девондаги бир мувашшаҳ - ғазал
Алишер Навоийнинг машҳур «мубтало
бўлдим санго» ғазали вазни ва услубида
ёзилгандир. Бу ғазал - мувашшаҳда Ҳамза
Навоий ғазалига тақлид қилади. Ўз
шеърида Мирзаҳамидхон деган шахсни
дилбар, маъшуқа сифатида таърифлайди.
Худди унга ошиқ бўлиб қолган маъшукдай
хасрат-надомат қилади. Шеър катта
ҳажмда - 13 байт.

Умуман айтиш керакки, мувашшаҳ
шеърлар кўпроқ эркак кишининг номига
бағишланарди. Худди уни маъшуқа ўрни
ва қиёфасида мадҳ этиш, гўзаллигини
ажойиб ташбеҳлар билан ифодалаш
мувашшаҳ мазмунига хос хусусиятлардан
биридир. Лекин бу ҳол бир анъана бўлган.
Аслида эса шоирга яқин кишига
бағишланган, унга бўлган дўстлик -
биродарлик ҳислари тасвирланган. Навоий
ғазали изидан бориб ёзган ғазал-
мувашшаҳдан парчалар келтирамиз.

Бир кўриб ул кун жамолинг
мубтало бўлдум санго,

Андалибдек фурқатингда пурнаво
бўлдум санго.

Ёш оқиб икки кўзимдин Нухни
тўфонидек,

Нолаи дилсўз ила хаддин фано
бўлдум санго.

Раҳм қилмайсан на деб ман хастани
бечорага,



Ман сани деб минг балога ошно
бўлдум, санго...

Заррае инсоф қил, васлингдин эҳсон
айлагил,

Мисли мажнундек эшикларга гадо
бўлдум санго.

Номи ҳарфинг ҳар бирига қисса
холим дарх этуб,

Не деган ўлсам Ниҳоний, ҳоказо
бўлдум санго.

Бизнинг назаримизда ушбу мувашшаҳнинг матлаъ байтидаги биринчи мисра бошидаги «Б» эмас «М» ҳарфи билан бошланса керак. Чунки ўзбекларда «Бирзаҳамид» деган исм йўқ, балки «Мирзаҳамид» бор. Нашрда шундай хато ўтган ёки шу мисра нотўғри ўқилган бўлиши мумкин. Худди Муқимий ижодида «Адолхоним» номига ёзилган мувашшаҳ учраганидек Ниҳоний девонида ҳам аёл кишилар номига бағишланган мувашшаҳлар йўқ эмас. «Дилбархон» исмига ёзилган мувашшаҳ шундай. Ўқувчи уни мувашшаҳ хусусиятига эга, унинг белгилари бор исм яширинган деб ўйламаса худди ёрнинг васлига бағишланган шеърдек қабул қилиш мумкин. Аслида ундан мувашшаҳдан ном чиқариш қоидасига кўра ҳар бир байтнинг биринчи мисралари бош ҳарфларидан Дилбархон исми чиқади. Шеър етти байтли ғазал шаклида ёзилган, «Хараж» сўзи радиф бўлиб келади. Шоир мувашшаҳнинг сўнги байтида «Дилбархон»нинг номи ҳарфини шеърда ифодаланганлигига китобхон эътиборини қаратган. Умуман барча мувашшаҳ шеърларда унинг мувашшаҳ эканлигига ишора қилинади. Бу хусусият мувашшаҳ шеърларнинг жанр белгиларидан биридир.

Албатта, мазкур ғазал-мувашшаҳда яхши ташбеҳлар бўлса-да уни бадиий жиҳатдан жуда гўзал, оригинал асар дейиш

қийин. Чунки шеърнинг вазни, услуби, баъзи сўз ва ибораларнинг ўхшашлиги жиҳатидан Муқимийнинг «Рози дил айтай десам улфат қилолмай доғман» мисрали ғазалига тақлидан ёзилган. Шунинг учун Ҳамзанинг девондаги кўп шеърлари, шу жумладан, баъзи мувашшаҳлари шоирнинг классиклар меросини ўрганиш, ўзлаштириш, уларга эргашиб, тақлид қилиб юрган кезларининг маҳсулидир. Ниҳоний мувашшаҳлари ичида

Лола янглиғ оразини бир кўриб тасвирда,

Мубтало ўлмоқдигим ёзмиш экан тақдирда -
матлам билан бошланиб, мактаи

Номи ҳарфини Ниҳон этмоқдин улдур ҳавфлар,

Кўрса ногаҳ кўрмасин қаҳри келуб таҳқирда -
деб тугалланувчи ғазал-мувашшаҳ Лутфуллахон исмига ёзилган. Ўрни келганда эслатиб ўтмоқлик лозимки, бу ғазал - мувашшаҳ Фурқатнинг

«Бир қамар сиймони кўрдум балдаи Кашмирда»
деб бошланувчи ишқий ғазали таъсирида майдонга келган. Фурқат ғазали ҳам, Ҳамза мувашшаҳи ҳам арузнинг рамал баҳри тармоқларидан «рамали мусаммани маҳзуб» вазнида ёзилгандир. Фурқатда ҳам, Ҳамзада ҳам "тасвирда, тақдирда, занжирда, тасхирда, таҳқирда, таҳқирда" каби сўзлар ҳар байт охирида қофия сифатида ишлатилади. Байтлар сони ҳам Фурқат ғазалига тенглашади.

Ҳ.Ҳ.Ниёзий Фурқат асарлари билан фахрланди, унга эргашиб, ундан таъсирланиб фурқатона асарлар яратди. У Фурқат маърифатпарварлигига хос илғор жиҳатларни замон талабларидан келиб чиқиб тараққий эттирди .

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ҳожаиҳмедов А. Шеърини санъатлар ва мумтоз қофия . – Тошкент :“ Шарқ” нашриёти , 1998 .
2. Ўзбек адабиётида жанрлар типологияси ва услублар ранг – баранглиги . –Тошкент : Фан, 1983 .
- 3 . Қаюмов А. Шоир Фурқат. Эссе . “ Шарқ юлдузи” . 1986 й. 4-5 ; 1989 й . 5-6 сонлари .



In most professional fields exchanging information between colleagues based on verbal communication. In a field every workers has their own responsibility. Being able to communicate for these experts is a necessity for sharing and transferring knowledge required fulfil their job. Institutions and authorities can create linguistic norms if these communication-dependent situation are recurrent enough. The aim of this linguistic norms is to create easier communication at syntactic, lexical and semantic level. By the help of simplified rule members of communication can understand the task and can do the given task. Using a language according to it's syntactic, lexical and semantic rules can be difficult to learn or understand the given tasks. There are some misunderstandings for the people who do not work in this field. There are six official language of civil aviation. They are: 1. English 2. French 3. Spanish 4. Russian 5. Arabic 6. Chinese.

So they conduct the special language that can be understandable for all pilots and controlled. In this case, it does not matter pilots' and controllers' first languages. Nowadays, English is considered as a lingua franca (international language). Thus specialized language for Air-ground communication based on English phraseology. The English language is considered an available language for all aircraft stations. There are many researches on this theme. The most important one is Stéphanie Lopez's doctoral research project. She started her project in French Civil Aviation University (ENAC). At the same time she worked in the linguistic institute CLLE- ERSS at the aim of trying and learning ENAC's specific needs in terms of

English radiotelephony teaching. She investigated French controllers and pilots special language usages made of English language. She chose a comparative study as the method of analysis. She tried to show differences and similarities between two corpora. They are: 1. The prescribed norm.

2. Real usage made of prescribed norm.

In this article I am going to show how English is used by pilots and controllers in real air-ground communication and what kinds of differences can be seen between natural language and specialized English for air-ground communication.

The communication that can be seen in air traffic control is based on specialized language. Such kind of language known as phraseology. The creator of this term is considered International Civil Aviation Organisation and has been used by members of air-ground communication. It is said by this authority that the purpose of phraseology is to provide clear, concise, unambiguous language to communicate messages of abrotine nature. Nevertheless, the rules of this specialized language is very strict at lexical, syntactic, semantic and phonetic levels. Here are some examples of short conversation between members of air-ground communication.

Before giving examples I am going to give definition of some phrases that are used in air-ground communication. To minimize the risk for misunderstandings a well defined set of words are used in mostly the same sequence when clearances are given by ATC and read back by pilots.

"Cleared for/to" - normally followed by a takeoff/landing clearance or a clearance limit, such as a fix, navigational aid or airport.



"Expedite" - execute given instructions immediately without delay. If the Pilots are not able to comply they must inform ATC. An example for the use of this phrase could be when ATC wants to allow an aircraft to depart, but it has to happen quickly because there is an arriving aircraft that will land shortly.

"Flight level" - depending on where you are flying, there will always be a transition level at a given altitude. When climbing through this altitude the Pilots will change the barometric setting in their altimeters from the local value to the International Standard Atmosphere value of 1013,25hPa. This ensures that all aircraft above this altitude operate with the same altimeter setting, ensuring that the appropriate altitude separation between aircraft is maintained.

"Squawk XXXX"- used by ATC to inform the Pilots of which code they should program into the transponder of the aircraft. Each number in the four number sequence can range from 0 to 7, each unique code then allows ATC to discriminate between all of the different aircraft on their radar screen. For example ATC could say: "Scavac 20, squawk 4670", which the pilot(s) would then program into their transponder in the cockpit to allow for identification. Since there are four digits in the transponder with eight different options for each digit, there is a total of 4096 unique codes available ($8^4=4096$).

"Wilco" - Short for "will comply", normally used by the Pilot to inform ATC that he/she will comply with their instructions. It can only be used when the specific instructions don't need to be read back. If the crew is cleared to a new altitude or given a new heading for example, they will have to read back the specific altitude and/or heading. A "wilco" will not suffice in such a case.

There are many other standard phrases commonly used in aviation. Now, we can pass

examples. In the conversation **P-** pilot, **ATC-** air-traffic controller.

1. P: juliett mike papa, request right turn when airborne.

ATC: juliet mike papa, right turn approved, runway 0 8 cleared for take-off

P: runway 0 8 cleared for take- off, right turn, juliett mike papa.

2. ATC: Citron Air 5 3 2 4, multidirectional departure runway 3 7, at

500 feet turn right heading 2 3 1, climb 4000 feet QNH

P: multidirectional departure runway 3 5, at 500 feet turning Right

heading 2 3 1, climb 4000 feet QNH, Citron Air 5 3 2 4.

3. P: The Red Battle- flyer, good morning, victor yankeezulu.

ATC: victor yankeezulu, good morning, pass your message.

P: victor yankee tango yankeezulu, PA28, VFR from Albi to

the red battle- flyer for touch-and -go, Agent next, 1500 feet

echo time 1 0 6 2, with information Romeo. Requesting joining

instructions.

ATC: victor yankeezulu, roger, report echo.

P: will report echo, victor yankeezulu.

While reading this conversation the reader who has not any information about air-traffic communication come accros some misunderstandings. In air-traffic conversations controller and pilots do not name each others' with their real names. Each members of communication has their own specialized names that were given by authorities. The letters that used in radiotelephony is based on NATO's phonetical rules. There is a table of letters and their pronunciations below:

Number	Laters	Telephony	Pronunciation
1	A	Alfa	Alfah
2	B	Bravo	Brahvon
3	C	Charlie	Charleeorsharlee
4	D	Delta	Delltah



5	E	Echo	Eckoh
6	F	Foxtrot	Fokstrot
7	G	Golf	Golf
8	H	Hotel	Hohtel
9	I	India	Indeeah
10	J	Juliett	Jeuleett
11	K	Kilo	Keylon
12	L	Lima	Leeman
13	M	Mike	Mike
14	N	November	November
15	O	Oscar	Osscan
16	P	Papa	Pahpah
17	Q	Quebec	Kenbeck
18	R	Romeo	Rowmeoh
19	S	Sierra	Seeairrah
20	T	Tango	Tango
21	U	Uniform	Youneeformoroonee form
22	V	Victor	Viktah
23	W	Whiskey	Wiskey
24	X	Xray	ecksray
25	Y	Yankee	Yankey
26	Z	Zulu	Zooloo

As you see above there are some numbers. Reading these numbers also has its own rule. The table is given below shows numbers, their written forms and their pronunciation.

0	Zero	Zeero
1	One	Wun
2	Two	Too
3	Three	Tree
4	Four	Fower
5	Five	Fife
6	Six	Six
7	Seven	Seven
8	Eight	Ait
9	Nine	Niner

Now, the unknown words in the conversation have become understandable, but there are some structures that are not used in natural language. They are followings:

1. Controller should always use imperative form when he or she gives an order. For illustration, instead of “**we would like to turn right**” they use “**turnright**”, instead of “**you should climb**” they use “**climb**”, instead of “**couldyou report**” they say “**report**” and so on.

2. Interrogative and negative forms are not used in air-ground communication.

3. They do not use determiners. For example, they say “**request right turn**” not “**request a right turn**”

4. Pronouns are not used in thisconversations. For illumination, they say “**request right turn**” not “**I request a right turn**”

5. Prepositions also are not used. For example, they say “**departure runway 34**” rather than “**depature from runway**”, they say “**climb 4000 feet**” rather than “**climb to 4000 feet**”.



6. Auxiliaries be and have are not used. For example, **“Right turn approved”** rather than **“Right turn is approved”**, **“cleared for take-off”** rather than **“you are cleared for take-off”**, **“turning right”** rather than **“we are turning right”** and so on.

7. In air - ground communication highly specialized, univocal and finite lexicon are used. There are less than 1000 different words are included in this group. **QNH, VFR, touch-and-go** are considered as members of this group.

8. Letters and numbers are read written according to given tables. For illustration, **“juliett mike papa”** not **“JMP. 3”** is pronounced as **“tree”** not **“three”**. **0** is **not read**.

So, we can analyze a dialogue like this:

1. P: JMP I request a right turn when there is airborne

ATC: JMP right turn is approved, you are cleared for take-off

P: runway 8 is cleared for take-off JMP.

Now, the meaning of the conversation is understandable for anyone who does not work in airports. All conversations that are used in air-ground communication can be analyzed according to given tables and rules above. English as an international language creates relationships among people from other points of view. English for Specific Purposes functions in this field. Phraseological units that are used in this sphere are considered apart of plain language. Above analyzed language units clarify specific features of air-traffic communication.

References:

1. Bowker L, Pearson J. Working with Specialised Language, a Practical Guide to using Corpora. London, New York: Routledge. 2002.-PP. 24-28.
2. Crystal D. English as a Global Language. Cambridge. Cambridge University Press. 2003.
4. Nübold P, Turney J. Linguistic Redundancy in English Aeronautical Radiotelephony. A case study. Braunschweiger Anglistische Arbeiten. Braunschweig: Technische Universität Carolo-wilhelmina. 1983.
5. Philips D. Linguistic Security in the Syntactic Structure of Air Traffic Control English. English World-Wide. No.12, December(1991)-PP. 103-124.
6. Seidlhofer B. English as a Lingua Franca. ELT Journal, No.59. April (2005)-PP. 339-341.
www.plainlanguage.gov
www.plainlanguage.network.org
www.skybrary.aero
www.fluidmesh.com

Темирова Ш. Лингвистический анализ английской фразеологии и воздушно-наземной связи. В этой статье основное внимание уделяется взаимосвязи между языком для определенных целей, с одной стороны, и фразеологией, с другой. Тем не менее, трудно дать все фразы для каждого региона. Поэтому в этой статье мы пытаемся дать и объяснить группу фраз, относящихся к воздушно-наземному общению. Прежде всего, мы должны определить объект статьи. Объект является языком, который используется диспетчерами и международными пилотами. Целью данной статьи является описание использования английской фразеологии и простого языка в общении диспетчер-пилот.

Temirova Sh. Ingliz tili frazeologiyasining lingvistic tahlili va havo yo'llaridagi muloqot.
Ushbu maqola praseologiya va kasbga yo'naltirilgan til o'rtasidagi aloqaga bag'ishlanadi. Jamiyatda sohalar ko'p. har bir sohaga tegishli bo'lgan iboralarni bir vaqtning o'zida keltirish mushkul. Shu sabab bu maqolada muallif havo yo'llarida foydalaniladigan iboralarni beradi va ularni tushuntiradi. Ishning obykti boshqaruvchi va uchuvchilar o'rtasidagi muloqottilidir. Ishning maqsadi boshqaruvchi uchuvchi o'rtasidagi muloqotdagi ingliz tiliga oid bo'lgan iboralarning ishlatilishini ko'rsatib berish va ularni tahlil qilish.



TILSHUNOSLIKDA GAP BO'LAKLARI VA SINTAKTIK ALOQALAR MASALALARI

*Mamayoqubova Shahlo Obloqulovna,
SamDCHTI magistranti*

Kalit so'zlar: *sintaktik, sintagmatik, subyektiv, predikativ, dativ, genitiv, kommunikativ.*

Tilshunoslikda gap nutq birligidir. Shuning uchun, uning sintaktik tahlili nutq lingvistikasi qonun – qoidalari bo'yicha amalga oshirilishi kerak bo'ladi. Nutq lingvistikasi qonun-qoidalari esa endigina ilmiy asoslana boshladi. Shu sababli ular orqali sintaktik tahlilda o'z aksini topishi lozim bo'lgan gapning struktur butunligini tashkil etayotgan bevosita ishtirokchi elementlarning tildan nutqqa ko'chirilishi va bu jarayonda ularning qay tarzda sintaktik faollik olishi, sintagmatik zanjirning voqelanishidagi ulushi masalalarini izohlab bo'lmaydi.

Gap bo'laklari nazariyasiga asoslanuvchi an'anaviy sintaktik tahlilning zaif tomonlari haqida ba'zi tilshunoslar o'z fikr va mulohazalarini bildirishgan bo'lishiga qaramay, bu sohada hali keskin o'zgarishlar sodir etilganicha yo'q. Rus tilshunosi Z.D.Popova mazkur masala bobida quyidagilarni yozadi: «Традиционное учение о членах предложения содержало в себе такие противоречия, которые постоянно побуждали синтаксистов к его пересмотру» [1-с.69.].

Z.D. Popova gap bo'laklari tushunchasiga yangicha yondashib, ularning gapda bajaradigan vazifalarini birmuncha mukammalroq va aniqroq izohlashga harakat qiladi. Olima G.A.Zolotova qo'llagan "subyektiv" va "predikativ" terminlaridan foydalanib, gap bo'laklarini ularning vazifalariga ko'ra quyidagicha tasnif etadi. Gapning struktur sxemasiga kiruvchi gap bo'laklari. Bunga subyektivlar (ega, dativ subyektiv, genitiv subyektiv, instrumentativ subyektiv va h.k.lar); predikativlar (kesim, predikativ ravish, infinitiv va h.k.) kiradi.

Gapning struktur sxemasiga kirmaydigan gap bo'laklari. Bu bo'laklar, o'z navbatida, ikkiga bo'linadi: 1. Gapning pozitsion

sxemasiga kiruvchi ikkinchi darajali bo'laklar (to'ldiruvchi, hol). 2. Gapning pozitsion sxemasiga kirmaydigan ikkinchi darajali bo'laklar (aniqlovchi) [2-с. 72.].

Tilshunoslarning gapning ikkinchi darajali bo'laklari haqida ham bildirishayotgan salbiy mulohazalarini kuzatamiz. Bu xususda gapirganda akademik V. V. Vinogradov gapning ikkinchi darajali bo'laklari masalasini tubdan qayta ko'rib chiqish kerakligini, ular grammatik tamoyillarga izchil asoslanmaganligi tufayli gap strukturasi sodir bo'ladigan jonli sintaktik aloqalarni mutlaqo sun'iy ifodalashini alohida ta'kidlagan edi [3-с. 282.].

Bunday fikr Ya. I. Rosloves tadqiqotlarida ham ko'zga tashlanadi. Uning «Вопросы языкознания» jurnalida e'lon qilingan maqolasida quyidagilarni o'qiymiz: «Традиционное учение о второстепенных членах предложения... переживает своеобразный и противоречивый кризис»[4-с.74]. Olim masalaning bunday holatga kelib qolishining asosiy sababi mantiqiy va sintaktik kategoriyalarning, gap va hukmning, gap bo'laklari va mantiqiy hukm bo'laklarining bir-biridan keskin farqlanmayotganligida deb biladi.

Tilshunoslik adabiyotlarida gap bo'laklari va ularning talabga javob bera olmayotgani haqida aytilgan fikr va mulohazalar anchagina bo'lishiga qaramay, hozirgacha bu xususda sof lingvistik qonun-qoidalarga izchil asoslanuvchi biror bir konkret taklif kun tartibiga qo'yilgani yo'q. Bizningcha, buning amalga oshishi nutq lingvistikasining to'liq ilmiy asoslanishi bilan bevosita bog'liqdir. Boshqacha aytganda, gap nutq birligidir va shu bois uning sintaktik tahlili muammolarini ham nutqdan ayri holda hal etish mushkuldir.



Ma'lumki, har bir til tizimining sintaktik qatlamini o'rganishda gaplar struktura jihatdan kommunikativ yo'nalishiga hamda tarkibiga ko'ra tasniflanadi. Ammo gapdagi so'zlar o'zaro bog'langan bo'lib, ularning har biri gap tarkibida biror grammatik vazifani bajaradi. Gap strukturasini tahlil qilishda undagi gap bo'laklari sintaktik kategoriya hisoblanadi. Mazkur kategoriyalar gap tarkibidagi elementlarning o'zaro munosabatini, bu munosabatning harakterini, gapning grammatik jihatdan qanday bo'laklarga ajralishini, so'zning gapdagi rolini ko'rsatadi. Har bir gap ma'lum obyektiv mazmun va substant material, ya'ni so'zlar yordamida ifodalanadi. Gapning substantsional tomoni uning sintaktik strukturasini hisoblanadi. Sintaktik strukturani tashkil etgan elementlar tilshunoslikda turlicha, ya'ni "gap bo'laklari", "sintaksema"[5-c.23.], "sintaktik shakl" kabi²⁶ nomlanib kelinmoqda. Sintaktik elementlarni, shuningdek, aktant nomi bilan ham atashadi. Avvalo shuni aytish lozimki, «aktant» termini tilshunoslikka taniqli fransuz olimi Lyus'en Ten'yer tomonidan kiritilgan edi. U aktant deganda, fe'l bajarayotgan ish-harakati ijrosida faol qatnashayotgan leksik birliklarni tushunadi. Aktantlar, boshqacha aytganda, harakat ijrochisi va uning iste'molchilaridir. Ularning ishtirokisiz fe'lning sintaktik vazifalari xususida hamda uning jumla tarkibida voqyelanayotgan faolligi xususida mukammal ma'lumotga ega bo'lish qiyin.

Aktant gap sathida ot turkumidagi so'z yoki mazkur so'zning o'rnida qo'llanilishi mumkin bo'lgan olmosh, otlashgan biror so'z orqali ifodalanadi. L.Ten'yer aktantlarni harakat ijrosidagi darajasiga qarab uch turga bo'lib talqin etadi va ularni 1-darajali, 2-darajali, 3-darajali aktantlar deb nomlaydi[6-c.23-28.]. L.Ten'yerning aktantlar nazariyasi mantiq iskanjasida bo'lgan tilshunoslikni sezilarli darajada undan tozalash uchun xizmat qilishi shubhasizdir, zotan, mazkur nazariyada an'anaviy sintaktik tahlilda qo'llaniladigan ega, kesim, aniqlovchi va h.k. tushunchalaridan foydalanilmaydi.

Ma'lumki, an'anaviy tilshunoslikda

gapning sintaktik talqini xususida so'z yuritilganda gapni bo'laklarga ajratib tahlil qilish tushuniladi. Gap bo'laklarining bunday tavsifi tilshunoslikda XX asrning o'rtalariga qadar sintaktik tahlil jarayonida yetakchi rol o'ynadi. Shunday bo'lishiga qaramasdan, til birliklariga, shu jumladan, sintaksemalarga muayyan ichki strukturaga ega bo'lgan murakkab sistema sifatida yondashuv, tilning boshqa sathlarida bo'lgani kabi sintaktik sathda ham turli yangicha tahlil mezonlarini ishlab chiqish uchun asos bo'ldi [7-c.124.].

Xususan, A. Nurmonovning fikricha, sistem tilshunoslikda gapning struktur elementlari gap bo'laklari yoki sintaktik pozitsiya, propozitiv struktura elementlari esa obyektiv reallik strukturasiga nisbatan izomorflik, kommunikativ (aktual) struktura tema (ma'lum) va rematik (yangi), modal struktura obyektiv va subyektiv munosabatlar nuqtayi nazaridan o'rganiladi [7-b.85-89¹]. Darhaqiqat, har bir strukturaning o'ziga xos elementlari mavjud bo'lib, ular faqat shu struktura darajasidagina o'zaro assotsiativ va sintagmatik aloqada bo'ladi. Shu jihatdan qaralganda, an'anaviy tilshunoslikdagi ayrim muammolarning sababi oydinlashadi. Xususan, an'anaviy tilshunoslikda gapning sintaktik tahlili uni bosh va ikkinchi darajali bo'laklarga ajratish bilan chegaralanadi. Bunday tahlil gapning shakliy tomonini tekshirish hisoblanadi. Mantiq tilshunoslari esa gap elementlarini ega o'rnida «subyekt», kesim o'rnida «predikat» kabi lisoniy atamalar yordamida tahlil qiladi. Lekin bu borada ega bilan subyekt, kesim bilan predikat o'rtasidagi o'xshashlik tomonlar hamda ularning bir-biridan farq qilish muammosi anchagina bahslarga yo'l ochib berishi e'tibordan chetda qoladi. Masalan, rus mantiqiy tilshunosi F.I. Buslayev, «...tilda egaga bosh kelishikda kelgan ot mos keladi... ba'zan ega va kesim boshqa so'z turkumlari bilan ifodalanadi, lekin har holda egani anglatgan so'z ot ma'nosini, kesimni anglatgan so'z esa fe'l ma'nosini oladi», [8-c.8.] degan fikrni bildiradi. Shunday ekan, gapda ega har doim bosh kelishikda kelib, faqat subyektini ifodalasa, kesim fe'l bilan ifodalanib, predikat bo'lib kelsa va ularda bir xillik mavjud bo'lsa, bosh bo'laklarni har xil



atamalar bilan atashga nima majbur qiladi, degan savol tug'iladi. Mantiqda implikasiya munosabatlari ekstensional, intensionallar va ularning orasidagi bog'liqlik orqali, grammatikada esa grammatik kategoriyalar, gapdagi fe'lli va otli qurilmalarning bog'liqligi bilan aniqlanadi [9- p.119-120.].

Gapning sintaktik qatlami tahlil qilinganda gapda ega yoki kesimning muhim ahamiyatga ega ekanligi ham ayrim bahslarning kelib chiqishiga sabab bo'ladi. A. G'ulomov va M. Asqarovalar bu haqda shunday deydi: «Bosh bo'laklar gapning asosini tashkil etadi: ular gap konstruksiyasining asosidir, markazidir-gapdagi ikki uyushtiruvchi markazdir. Lekin bosh bo'laklarning yolg'iz o'zi ham mustaqil gapni tashkil qiladi, biroq ba'zi o'rinlarda ularning o'zidan to'liq fikr ifodalanmaydi», deb yozadilar. Bu olimlar egani hokim tarkibning grammatik markazi, shuningdek, uni tobe tarkibdagi bosh bo'lakka - kesimga ham hokimdir, deb ta'kidlashadi [10-b.72-77.]. Kesim haqidagi bunday talqin 1980-yillargacha, ya'ni fanimizga sistem-struktur sintaktik tadqiqotlar kirib kelgunga qadar davom etib keldi. Ammo H. Ne'matov, N. Mahmudov, A. Nurmonov, R. Sayfullayeva, M. Abzalova kabi o'zbek hamda boshqa xorijiy tadqiqotchilarning ishlarida kesimning mavqeyi yangicha baholandi - kesim gap qurilishidagi mutlaq hokim bo'lak, gap markazi sifatida talqin etildi" [11-656 c].

Umuman olganda, kesim bosh bo'laklarning biri sifatida barcha tillarda universal harakterga ega bo'lishiga qaramasdan, u ifodalanishiga ko'ra tasniflanganda tilshunoslarning kesim haqidagi fikri turli-tumanligining guvohi bo'lamiz. Masalan, ingliz tili nazariy grammatikalaridan birida kesim quyidagicha tasniflanadi: sodda fe'l kesim, tarkibli fe'l kesim. Tarkibli kesim ikki ko'rinishga ega: 1) tarkibli ot-kesim; 2) tarkibli fe'l-kesim [12-c.246.] Ularning ifodalanishi haqida fikr yuritilganda, sodda fe'l-kesim nafaqat yaxlit, yagona fe'l yordamida, balki fe'ning murakkab shakli orqali ham ifodalanishi qayd etilgan. Bundan tashqari, tarkibli ot-kesim bog'lama fe'l hamda predikatni ifodalovchi ot, sifat, son, olmosh, sifatdosh, holatni

ifodalovchi so'zlar, infinitiv, gerundiy yoki ravish orqali ifodalanadi, deb ta'kidlanadi. V.D. Arakinning fikricha, kesim bir komponentli va ikki komponentli kesimlarga bo'linib, bir komponentli kesim ikki turga ajratiladi: a) ega bilan moslashadigan; b) ega bilan moslashmaydigan. Ikki komponentli kesimlar ham ikki turga ajratiladi: a) ot kesim; b) murakkab kesim[13-c.230.]. Kesimning bunday tasniflanishi B.A. Il'ishning fikrini ham tasdiqlaydi, ya'ni u ingliz tili nazariy grammatikasida kesimni ikki katta guruhga bo'ladi: fe'l kesim, ot kesim, shuningdek, ularning har birini yana ikkiga bo'ladi: sodda fe'l-kesim, qo'shma fe'l-kesim; sodda ot-kesim, qo'shma ot-kesim [14-c. 207-208.].

Ingliz tili amaliy grammatikasida kesim quyidagicha tasniflanadi: 1) Sodda kesim (Simple predicate); 2) Qo'shma kesim (The compound predicate). Birinchi kesim turi fe'ning shaxsli shakli bilan ifodalanadi, ammo uning tarkibi frazeologik birliklar yordamida ifodalanganini hisobga olib, u frazeologik kesim deb nomlanadi. Masalan: *I'll get a divorce* (15-Th.Dr.p.4). Kesimning ikkinchi turi ifodalanishiga ko'ra ikki qismdan iborat bo'ladi, birinchi qismi fe'ning shaxsli shakli bilan ifodalansa, ikkinchi qismi esa ot, olmosh, sifat, sifatdosh, gerundiy va infinitiv yordamida ifodalanadi. Qo'shma kesimning o'zi ikki guruhga bo'linadi: 1) qo'shma ot-kesim; 2) qo'shma fe'l kesim. Qo'shma ot-kesim bog'lama fe'l va boshqa so'z turkumlari yordamida ifodalanadi. Bu borada shuni ta'kidlash lozimki, ingliz tilida juda ko'p fe'llar borki, ular gapda bog'lama, mustaqil va yordamchi fe'llar vazifasida ishlatiladi. Bunday hol ingliz tilini o'rganuvchilar uchun ma'lum qiyinchiliklar tug'diradi. *Everyone was the king* (16-R.P.Warren, p.239). Qo'shma fe'l-kesim ifodalanish usuliga ko'ra ikkiga bo'linadi: 1) Qo'shma modal fe'l-kesim; 2) qo'shma aspekt fe'l-kesim. Qo'shma modal fe'l-kesim asosan, modal fe'llar yoki ularning muqobillari hamda fe'ning infinitiv shaklini qo'shish bilan ifodalanadi: *We shall have to exert ourselves* (17-J.Galsworthy, p.12). Kesimning bu turi haqida ham ayrim qiyinchiliklarga duch kelamiz. Masalan, gap tarkibida *to hope, to expect, to intend, to*



attempt, to try, to want kabi fe'llar infinitiv yoki gerundiy bilan birikib kelsa ham qo'shma modal fe'l-kesim deyish mumkin, lekin bu uni chuqurroq tahlil qilishga undaydi. Masalan, *I don't want to take it to anybody* (18-M.Wilson, p.313) gapiga e'tibor qilaylik. Bu gapga shunday savol qo'yish mumkin: *What don't you want?* Yana, ikkinchi bir gapni olaylik: *He tried to open the tin with a pocket knife.* Bu gapga esa *Why did he try?* deb, savol qo'yish mumkin. Mazkur gaplarning birinchisiga qo'yilgan savol to'ldiruvchiga mos bo'lsa, ikkinchisidagi esa, maqsad holiga mos keladi. Yoki ba'zi darsliklarda qayd etilganidek, gapda kesim o'rnida *to be obliged, to be bound, to be anxious, to be capable* kabi birikmalar infinitiv bilan kelsa ham qo'shma modal fe'l-kesim deb atalishi mumkin.

Qo'shma aspekt fe'l-kesim haqida to'xtalsak, u gapda kesim o'rnida *to begin, to start, to continue, to stop* kabi fazali fe'llar bilan infinitiv yoki gerundiyning birikib kelishi yordamida ifodalanadi. *He began to speak; He began speaking.* Har ikkala gapga bir xil savol, ya'ni to'ldiruvchiga beriladigan savol mos keladi, *What did he begin?* E'tibor berib qaralsa, bu kesim turini alohida ajratishda fe'llarning leksik ma'nosi asosiy o'rinni egallaydi. Boshqalarida esa ifoda planiga qarab ajratilgani yaqqol ko'rinib turibdi. Yuqorida qayd etilganlardan ma'lum bo'ladiki, aspekt kategoriyasi qaysi qatlamda, ya'ni morfologik, sintaktik yoki leksik qatlamda o'rganilishidan qat'iy nazar izohtalabdir. Aspekt kategoriyasi L.S. Barxudarovning fikricha, fe'lning zamon shakllariga qarab o'rganilib davomsizlik (non—continuous aspect) va davomlilik (continuous aspect) aspektlariga ajratiladi, ya'ni tilning morfologik qatlamida o'rganiladi [19-c.113-116.].

Grammatik materiallarni tadqiq etishda distributiv, transformatsiya, bevosita ishtirokchilarga ajratish tahlil usullari asosida ko'zga ko'rinarli ishlar qilingan bo'lsa-da [B.8-23.], biz o'z tadqiqotimizda komponent va sintaksemalarga ajratib tahlil qilish usulini qo'llashni afzal ko'rdik. An'anaviy grammatikada gapni bosh va ikkinchi darajali

bo'laklarga ajratib tahlil qilishda o'ziga xos juz'iy kamchiliklar mavjud. Chunki an'anaviy tilshunoslikda sintaktik birliklarga ajratiladigan bo'laklar ham gapning bir bo'lagi deb qaraladi. Bu esa gap bo'laklarini elementar sintaktik birliklarga ajratish imkonini bermaydi. Undan tashqari, gap tahlilida sintaktik elementlarning semantikasi hisobga olinmaydi. Ammo ushbu ishda tillar tizimida gapda kesim o'rnida kelgan sintaktik birliklarga e'tibor qaratgan holda ularni sintaktik jihatdan o'rganish bilan cheklandik. Ushbu muammoni tadqiq etishda A. M. Muxin va uning shogirdlari tomonidan yaratilgan lisoniy metoddan [20-304 c.] foydalanish bizning nazarimizda yuqorida qayd etilgan usullarga xos ayrim kamchilik va nuqsonlarni to'ldirishda muhim ahamiyat kasb etadi. Mazkur tahlil usuli boshqalaridan farqli ravishda ikki bosqichda amalga oshiriladi. Xususan, boshlangich bosqichda gapdagi elementlar komponentlarga ajratib tahlil qilinadi hamda ushbu bosqichda berilgan elementlarning o'zaro sintaktik aloqalari aniqlanib, bir-biridan farqlanish usullari yunksion va komponent modellarda ifoda etiladi. Tilshunoslik fani taraqqiyotining hozirgi davri bosqichida til tizimi birliklarining qay tarzda nutqqa ko'chirilishi va jumlaning nutqiy zanjirda voqelanishi, sintaktik strukturalarning nutqiy faollashuvi, ularning semantik va sintaktik munosabatlari masalasiga doir muammolar tilshunos olimlarimizdan o'z tadqiqini kutmoqda. Chunki hozirgacha tilning sistema ekanligi to'g'risida diqqatga sazovor tadqiqot ishlari qilingan bo'lsa ham, sistema belgilarining nutqqa ko'chirilishi, boshqacha aytganda, ularning nutqda real ishlatilishi masalasiga kam e'tibor berildi.

Mazkur masalalar ayniqsa nutq lingvistikasi ilmiy asoslanayotgan bugungi kunda yanada dolzarb bo'lib qolmoqda. Zotan, til tizimidagi har bir belgining paradigmatic qator doirasidan sintagmatic qator doirasiga o'tishi, virtuallik belgilarini tark etib, aktual holat kasb etishi va shu yo'sinda gapning sintaktik shakllanishi nutq lingvistikasining g'oyat muhim masalalarini taqozo etadi. Ravshanki, gapning asosiy bevosita ishtirokchi elementlari so'zlar



hisoblanadi. Biroq gap sathida so'zlarning o'zaro bog'lanishi ularning shunchaki ketma-ket kelishidan iborat bo'lmay, bunda tilning semantik, sintaktik va hatto fonologik qurshov (distributsiya) qoidalari ustuvor ahamiyatga ega bo'ladi. Bu jarayonda gap shaklini tashkil etayotgan har bir bevosita ishtirokchi element uning ajralmas bir bo'lagi vazifasini olib, ma'lum bir funksional qiymat kasb etadi. Chunki gap tarkibida faollashayotgan har bir element orqali ma'lum bir kommunikativ, semantik yoxud pragmatik maqsad ko'zda tutiladi. Mazkur maqsad ifodasi esa turlicha ro'y beradi. Masalan, gapda tilning ba'zi birliklari katta yoki kichik bo'lishidan qat'i nazar, mustaqil holatda faollashib, ega yoki kesim vazifasini bajarsa, ba'zilariga boshqalarning yordamida aniqlovchi, to'ldiruvchi, hol vazifalari yuklanadi, ayrimlari esa muxtor tarzda harakatga keladi.

Tilimizda shunday elementlar ham mavjudki, ular biror sintaktik vazifani bajarmay so'zlovchining o'zi bayon etayotgan fikrga, yoxud o'sha fikrning ifoda etilishi usuliga bo'lgan munosabatni bildiradi. Bunday munosabat tasdiq, umid, ishonch, gumon, taxmin, shodlik, taajjub va hokazo ma'nolarni anglatib, bayon qilinayotgan fikr tartibini, mazkur fikrning oldingi mulohaza bilan bog'liqligini ifodalaydi. Bular modal so'zlar bo'lib, gapning biror bo'lagiga yoki butun gapga taalluqli holda kirish so'z mavqeyida kelishi bilan sintaktik va nihoyat, fikrga aniqlik kiritishi, tasdiq, taxmin, tartib turlicha emotsional munosabatlarni ifodalashi bilan semantik belgilarga ega bo'la oladi [21-560 б]. Kirish so'z va kirish birikmalar gapning umumiy strukturasi kengaytirib, uning mazmuniga qo'shimcha ma'no berishiga qaramay, an'anaviy grammatikalarda gap bo'laklari qatoriga kiritilmaydi. Bu esa gapni tashkil etuvchi bevosita ishtirokchilarning birini bosh bo'lak, ikkinchisini ikkinchi darajali bo'lak deb, boshqasini nomsiz qoldirib, hech qanday bo'lak qatoriga qo'shmaslik masala mohiyatini nihoyatda chigallashtirib yubormoqda. Bunday vaziyatga ko'pchilik olimlarimiz ko'nikib ketishgan bo'lsalar-da, so'nggi yillarda ba'zi tilshunoslar bu haqda

o'zlarining e'tirozli fikrlarini bildirmoqdalar. Masalan, A.R.Sayfullayev o'zining ilmiy izlanishlarida modal so'z va modal birikmalar gapning uchinchi darajali bo'laklari ekanligini va ular semantik vazifalaridan tashqari sintaktik vazifa bajarishi mumkinligini ilmiy jihatdan asoslab berdi. A. R. Sayfullayevning fikricha, kirish so'z va kirish birikmalar ko'pincha gapning kesimi vazifasida kelgan so'z bilan sintaktik munosabatda bo'lib, ular bilan boshqaruv, bitishuv usullari orqali bog'lanadi [22-Ташкент, 2001]. Lekin shunga qaramay, bu o'rinda ham muammo yechimi to'liq hal qilinganligini e'tirof etishimiz qiyin ko'rinadi. Chunki gap bo'laklari nazariyasi gap muchalarining formal-sintaktik funksiyalarini atroflicha yoritmayapti. Bizningcha, buning asosiy sababi gap bo'laklari tushunchasining mantiqiy xarakteri bilan bog'liqdir. Boshqacha aytganda, gap bo'laklari tushunchasi sof lingvistik maqsadlarni ko'zda tutmagani bois, u orqali gap komponentlarining tildan nutqqa ko'chirilishi va bu jarayonda qanday sintaktik vazifalar bajarishi masalasi talqinini berib bo'lmayapti. Albatta, vaziyatning bunday tus olishi tilshunos olimlarimizni tashvishlantirmoqda va shu bois gap komponentlari sintaktik tahlilining yangi-yangi usullari taklif ham etilmoqda. Ana shunday tahlil usullaridan biri Praga tilshunoslik maktabining yirik namoyandalaridan biri A.Martining funksional tahlil nazariyasidir. Mazkur nazariyada nutqning eng kichik birligi «monema» tushunchasi ilmiy iste'molga kiritildi. Bu struktur-funksional tahlil uchun eng qulay atama bo'lib, uning yordamida gap elementlarining funksional tomonlarini va sintaktik qurilmaning shakllanishida har bir elementning paradigmatic qator doirasidan sintagmatik qator doirasiga o'tishi masalalarini mukammal talqin etish mumkin. A.Martine monemalarni uchga bo'ladi: avtonom, funksional va qaram monemalar. Avtonom monema gap tarkibida muxtor holda qo'llanilib, tildan nutqqa biror bir morfologik vositaning yordamisiz ko'cha oladi. Nutqda uning faolligi boshqa monemalar bilan bog'lanmaydi. Boshqacha aytganda, muxtor monema o'zining sintaktik, semantik va



funksional faolligi jihatidan boshqa biror monemaga tobe bo'lmaydi.

Boshqa gap elementlariga qaraganda muxtor monemaning sintaktik o'rnini erkin bo'lganligi sababli aksariyat hollarda uning o'rnini o'zgartirish yoki gap tarkibidan tushirib qoldirish ham mumkin. Garchi u tushirilib qoldirilsa ham, gapning asosiy mazmuniga putur yetmaydi. Faqat uning yuzaki strukturasi qisqarishi va gapda ifodalanayotgan ta'kidlash, gumon, aniqlik, inkor, shodlik, shubha va hokazo ma'nolariga ziyon yetishi mumkin. Ammo ayrim kirish so'z va kirish iboralarning o'rnini ularning distributiv xarakteriga ko'ra muqim bo'ladi. Bu, albatta, har bir tilning o'z ichki qonuniyatlari bilan bog'liqdir.

Muxtor monemalar o'zbek tilida ko'p hollarda kirish so'z, kirish birikmalar, payt ravishlari orqali ifodalanadi va bu bilan boshqa monemalardan farqlanib turadi [23-B.81-85.]. Funksional monema gapning biror elementini tildan nutqqa ko'chirishi va unga sintaktik funktsiya berishi bilan xarakterlanadi. Funksional monemalar boshqa monemalarga faollik baxsh etib, ularni paradigmatic qator doirasidan sintagmatic qator doirasiga qarab yetaklaydi, virtual holatdan aktual holatga olib keladi, jonlantiradi. Natijada, funksional monemalar orqali faollashib, nutqiy vazifa olayotgan monemalar ularga tobe bo'lib qoladi va qaram monemalar deb yuritiladi. Nutq muhiti va so'zlovchining istak-xohishi bilan til birliklari nutqqa ko'chayotganda belgili yoxud belgisiz ifodalanishi mumkin. Sodda gap komponentlarining funksional tahlili affiksalar, ko'makchi va ba'zi so'z shakllari bilan bog'liq bo'lsa, qo'shma gap komponentlarining funksional tahlili ularni o'zaro bog'lovchi vosita bilan uzviy aloqadordir.

Yuqoridagilardan tashqari, ilovali va parsellyativ qurilmalar, kirish so'z, kirish birikmalar ham tom ma'noda sintaktik muammolar sifatida o'rganilgani yo'q [24-B.4]. Ammo ular gapning bevosita ishtirokchi elementlaridir. Shunga ko'ra, A. Sayfullayev kirish so'z, kirish birikma hamda undalmalarni gapning uchinchi darajali bo'laklari deb atagan edi [25-C.70-118.]. Biz quyida shu kabi masalalarni komponent va

sintaksemalarga ajratib tahlil qilish orqali hal qilishga harakat qilamiz. An'anaviy grammatikalarda berilishicha, sintaktik aloqalar borasida barcha tillar nazariy grammatikalariga qaraganimizda moslashuv, bitishuv va boshqaruv kabi atamalar qo'llaniladi, ammo ularni sintaktik sathda gap qurilmasida tahlil qilganda, ular sintaktik aloqalar vazifasini bajarmaydi.

Masalan: *I write a book. I go home.*

Har ikkala jumla sintaktik jihatdan bir xil bo'lishiga qaramasdan, ular o'rtasida farq bor. Birinchi gapda *write a book* elementlari o'rtasida boshqaruv bor, ya'ni *read* fe'li o'timli bo'lganligi uchun. Ikkinchi gapda esa *go home* elementlari o'rtasida hech qanaqa sintaktik aloqa borligi aytilmagan, buning asosiy sababi til sathlarining bir-biri bilan aralastirib yuborilishidir. Shuning uchun ham sintaktik sathda gap qurilmasidagi elementlar o'rtasidagi o'zaro aloqalarning yangilari ishlab chiqildi. Undan tashqari formal jihatdan quyidagi ikki usulda gap elementlarining bog'lanishi ham qayd etilgan.

1) teng bog'lanish; 2) tobe bog'lanish.

Teng bog'lanish o'z nomidan ham ma'lumki, gap tarkibidagi so'zlar bir-biri bilan teng bog'lanadilar. Tobe bog'lanishda esa biri ikkinchisiga tobe bo'ladi. Undagi tobe va hokim so'zlar: 1) moslashuv; 2) boshqaruv; 3) bitishuv usullari yordamida so'z birikmasi hosil qiladi. Moslashuv – tobe so'z va hokim so'zlarning shaxs-sonda mosligi: M: *uning daftari, mening daftarim.*

Boshqaruv-tobe so'zning hokim so'z talab qilgan shaklini olishidir:

A) Kelishikli boshqaruv(-ni, -ga, -da, -dan).

M: *kinoga bor, magazindan oldim.*

B) Ko'makchili boshqaruv (ko'makchi so'zlar yordamida). M: *kino haqida gaplashmoq.* Bitishuv-tobe so'zning hokim so'z bilan faqat ma'no jihatidan birikishi: M: *katta tanaffus, yoqimtoy qiz.*

Hozirgi zamon tilshunosligida gaplarni sintaktik qatlamda tahlil qilish borasida gap bo'laklariga, ya'ni bosh bo'laklar va ikkinchi darajali bo'laklarga ajratib o'rganish bilan chegaralanadi. Zeroki, gaplarning sintaktik birliklarini, semantik maydonini, ularning differensial sintaktik hamda differensial sintaktik-semantik belgilarini aniqlash va



bunda ma'lum lisoniy metodlarga tayanib gaplarni tahlil qiladi.

Ingliz tilida harakatni ifodalovchi gap bo'laklarini tadqiq etish, harakatni ifodalovchi gap bo'laklari xususidagi ayrim mulohazalar hamda ularning sistemali munosabatlarini tahlil qilishda foydalaniladigan lisoniy metodlar haqida aytib o'tilgan mulohazalardan quyidagi xulosalarga kelish mumkin. Tillar tizimini sintaktik qatlamda tadqiq etishda tilshunoslar o'rtasida

yakdillik yo'q, shuningdek, ma'lum lisoniy metodlar asosida tadqiqot o'tkazishda ham aniq va to'liq fikriy mushtaraklik mavjud emas. Jumladan, tilshunoslik uchun zarur hisoblangan gap bo'laklari muammosi xususida mukammal echim topilganicha yo'q. Ingliz tili o'rganilganda zamon, nisbat, tus, egalik kategoriyalari hamda ergash gaplar kabilar qisman o'rganilgan, ya'ni ayrim kamchiliklar hali ham mavjud va o'rganilmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Martinet A. La linguistique synchronique. –Paris, 1968.
2. Tomic O.M. Generative syntax in theory and practice. — Skopje: "Kiril i Mefodij" University, 1998. - P.119-120.
3. Wells R.S. Immediate Constituents // Language. -- Baltimore, 1989. - № 23. - № 2. - P. 88.
4. Аракин В.Д. Сравнительная типология английского и русского языков. - Л.: Просвещение, 1979. - С.189-190
5. Бархударов Л.С. Очерки по морфологии современного английского языка. - М.: Высшая школа, 1975. –113-116 с.
6. Буслаев Ф.И. Историческая грамматика русского языка. – М.: Наука, 1968. – 8 с.
7. Виноградов В.В. Избранные труды. Исследования по русской грамматике. – М.: Наука, 1975. – 282 с.
8. Жигадло В.Н., Иванова И.П., Иофик Л.Л. Современный английский язык (теоретический курс грамматики). - М.: Лит. на иностр. языке, 1956. - 246 с.
9. Золотова Г.А. К вопросу о способах выражения членов предложения // Русский язык в школе. -М., 1958.-№ 1. – С.23-28.
10. Турниёзова К. Гапнинг учинчи даражали бўлаклари ва «монема» тушунчаси ҳақида баъзи мулоҳазалар // Хорижий филология. № 2, 2007. Б.81-85.
11. Каушанская В.Л., Ковнер Р.Л. и др. Грамматика английского языка. –Ленинград: Просвещение, 1973. – 230 с.
12. Мухин А.М. Синтаксемный анализ и проблемы уровней языка. - Л.: Наука, 1980. - 304 с.
13. Попова З.Д. Может ли обойтись синтаксис без учения о членах предложения // Вопросы языкознания, № 5, 1984. – С. 69.
14. Рословец Я.И. О второстепенных членах предложения и их синтаксических функциях // Вопросы языкознания. № 3, 1976. – С. 74.
15. Сайфуллаев А.Р. Семантико-грамматические особенности членов предложения в современном узбекском языке. – Ташкент, 1984. – 98 с, 70-118, Автореф. докт. дисс. – Ташкент, 2001.
16. Теньер Л. Основа структурного синтаксиса: Перевод с франц. -Редкол.: Г.В.Степанов (Предисловие) и др. - Вступ. статья и общ. ред. В.Г. Гака. - М.: Прогресс, 1988. - 656 с.
17. Турниёзов Н. Назарий грамматикадан очерклар. - Самарқанд: СамДЧТИ, 1998. – 48 б.
18. Ўзбек тили грамматикаси. – Тошкент : Фан, 1976. — 560 б.



Matayoqubova Sh. The expression of temporal syntax in a single nucleus. This article is about the structure of the sentences, rules, semantic and syntactic ways, their place, to show its advantages and disadvantages in English language.

Мамаюкубова Ш. Выражение временного синтаксиса в одном ядре. В данной статье представлен обзор структуры английского раздела ее прововых положений, синтаксических и семантических единиц, их роли в выступлениях, их недостатках и достижениях.

XORIJIY FILOLOGIYA

til • adabiyot • ta'lim

Ilmiy-uslubiy jurnal

Samarqand

FOREIGN PHILOLOGY

language • literature • education

Scientific-methodology journal

Samarkand

Мухаррир	–	С. Каримова
Техник муҳаррир	–	Ё. Қаршибоев
Саҳифаловчилар	–	З.Усманова, Ш.Абдурахимов


Самарқанд давлат чет тиллар институти нашр-матбаа маркази:

Самарқанд ш., Бўстонсарой кўчаси, 93.

Босишга рухсат этилган 20.07.2019.

Адади 200 нусха. Қоғоз бичими А4.

Буюртма № 161. Times гарнитураси.



ХОРИЖИЙ ФИЛОЛОГИЯ» ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ ЖУРНАЛИГА МАҚОЛАЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ТАРТИБИ

- Мақола муаллифи ишлаётган муассаса раҳбариятининг йўлланма хати.
- Мақолани чоп этиш ҳақидаги эксперт хулосаси.
- Мутахассислиги бўйича фан доктори ёки профессор томонидан имзоланган тақриз.
- Муаллиф(лар) тўғрисида маълумот (иш жойи, лавозими, яшаш жойи телефони ва электрон почтаси).
- Мақолалар Microsoft Word дастури «Times New Roman» гарнитураси 14 шрифтда, қаторлар ораси икки оралиқ билан ёзилган, икки нусхада (электрон варианты билан бирга) тақдим этилади. Мақолалар чизмаларсиз саккиз саҳифада қисқа хабарлар эса икки саҳифадан ошмаслиги лозим.
- Формулалар компьютерда Word формулалар муҳаррирининг Math Type версиясида ёзилади.Чизмалар ва диаграммалар Давлат стандарт талабларига риоя қилинган ҳолда тайёрланиши лозим.
- Мурожаат қилинган адабиётлар рўйхати мақола охирида қуйидаги тартибда келтирилади: муаллифнинг фамилияси, исми-шарифи, китоб (журнал)нинг номи, нашриёт ва чоп этилган санаси (китоблар учун), журнал номери, саҳифа (журнал учун). Адабиётлар сони 7 тадан ошмаслиги тавсия этилади.
- Мақоланинг иккинчи нусхасида барча муаллифлар фамилияси, исми ва шарифларини кўрсатилган ҳолда, барча муаллифлар томонидан имзоланиши лозим.
- Мақолани миллий менталитет тил эталони бўйича, синчковлик ва диққат билан ёндашган ҳолда, услубий ва грамматик жиҳатидан юқори даражада талабчанлик билан илмий-услубий мақомида таҳрирланган ҳолда тайёрлаш талаб этилади.
- Зарурат бўлганда таҳририят мақола ва қисқа хабарларни таҳрир қилиш ҳуқуқига эга.
- Мақола муаллифга қайта ишлаш учун қайтарилса, мақоланинг охириги кўриниши олинган кундан бошлаб таҳририятга тушган ҳисобланади.
- Эълон қилинган материаллар муаллифга қайтарилмайди, тақриз ва изоҳ берилмайди.
- Янги илмий-услубий ва амалий натижаларга эга бўлган ва 50% дан ортиқ қисми илгари эълон қилинмаган ўзбек ёки рус, инглиз тилларида тайёрланган мақола ва қисқа хабарлар ва бошқа соҳа бўйича шакллантирилган эксперт гуруҳларининг экспертизасидан ўтган мақолалар журнал саҳифаларида жойлаштирилади.
- Мақоланинг ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги аннотацияларининг борлиги текширилади.